XALQARO ILMIY ONLAYN KONFERENSIYA

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНАЯ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ

INTERNATIONAL SCIENTIFIC ONLINE CONFERENCE

MATERIALS OF THE INTERNATIONAL SCIENTIFIC ONLINE CONFERENCE

МАТЕРИАЛЫ МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНОЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ

XALQARO ILMIY ONLAYN KONFERENSIYA MATERIALLARI

Modern Military Conflicts and Ways of their Prevention (in the Context of Learning Lessons)

Современные военные конфликты и пути их предотвращения (в контексте извлечения уроков)

Zamonaviy harbiy nizolar va ularning oldini olish yo'llari (olinadigan saboqlar kontekstida)

Additional publication
Дополнительное издание
Qo'shimcha nashr

4-5 November, 2020

The Academy of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan

Tashkent

ORGANIZATION FOR SECURITY AND CO-OPERATION IN EUROPE

THE ACADEMY OF THE ARMED FORCES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

MODERN MILITARY CONFLICTS AND WAYS OF THEIR PREVENTION (IN THE CONTEXT OF LEARNING LESSONS)

Materials of the International Scientific Online Conference

(Additional publication)

4-5 November, 2020

Tashken 2020

Xatlash raq. 4278/3
O'R QK AKADEMIYASI
"O'QUV KUTUBXONA"

ОРГАНИЗАЦИЯ ПО БЕЗОПАСНОСТИ И СОТРУДНИЧЕСТВУ В ЕВРОПЕ

АКАДЕМИЯ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

СОВРЕМЕННЫЕ ВОЕННЫЕ КОНФЛИКТЫ И ПУТИ ИХ ПРЕДОТВРАЩЕНИЯ (В КОНТЕКСТЕ ИЗВЛЕЧЕНИЯ УРОКОВ)

Сборник материалов международной научной онлайн конференции

(Дополнительное издание)

4-5 ноября 2020 года

Ташкент 2020

YEVROPADA XAVFSIZLIK VA HAMKORLIK TASHKILOTI
O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI QUROLLI KUCHLARI AKADEMIYASI

ZAMONAVIY HARBIY NIZOLAR VA ULARNING OLDINI OLISH YO'LLARI (OLINADIGAN SABOQLAR KONTEKSTIDA)

Xalqaro ilmiy onlayn konferensiya materiallar to'plami

(Qo'shimcha nashri)

2020 yil 4-5 noyabr

Toshken 2020

UO'K 355.01:316.485.6:327.56

Zamonaviy harbiy nizolar va ularning oldini olish yo'llari (olinadigan saboqlar kontekstida): xalqaro ilmiy onlayn konferensiya materiallar to'plami, 2020 y. 4-5 noyabr / [X.A. Qarshievning umum. tahr. ostida] / tahrir hay'ati: R.S. Samarov, A.Yu. Alimov, R.J. Raxmatbaev [va boshq.] – T.: O'R QK Akademiyasi, 2020. – Qo'shimcha nashri. – 115 b.

Ushbu konferensiya materiallar to'plami 2020 yil 4-5 noyabr kunlari Toshkent shahrida "Zamonaviy harbiy nizolar va ularning oldini olish yo'llari (olinadigan saboqlar kontekstida)" mavzusida videokonferens aloqa orqali o'tkazilgan xalqaro ilmiy anjumanning ma'ruzalari asosida tayyorlangan. Ilmiy ishlar to'plamida harbiy fanning zamonaviy muammolari va ilmiy tadqiqotlar natijalarini qo'llash amaliyoti muhokama qilingan.

To'plam tadqiqotchilarga, o'qituvchilarga, doktorantlarga, magistrantlarga va kursantlarga ilmiy va o'quv faoliyati davomida foydalanish uchun mo'ljallangan.

Iqtiboslar, ismlar, sarlavhalar va boshqa ma'lumotlarning to'g'riligi va aniqligi, shuningdek nashr etilgan materiallar uchun intellektual mulk to'g'risidagi qonun hujjatlariga rioya etilishiga mualliflar javobgardir.

UO'K 355.01:316.485.6:327.56

© O'zbekiston Respublikasi
Qurolli Kuchlari Akademiyasi, 2020







XALQARO ILMIY ONLAYN KONFERENSIYA

2020, 4-5 noyabr

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНАЯ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ

4-5 ноября, 2020

INTERNATIONAL SCIENTIFIC ONLINE CONFERENCE

4-5 November, 2020

CONTENTS

SESSION #1 10

Каримов Ф.Э. Яқин Шарқ минтақавий хавфсизлигини таъминлашда Курд омили 11

Ахмаджанов Б.А. Халқаро терроризм: тахдидлар трансформацияси ва уларга қарши курашишнинг айрим масалалари 23

Девяткин А.В. Основные направления правовой деятельности народной вооруженной полиции КНР и пути их становления как фактор обеспечения общественного порядка и безопасности граждан 27

SESSION #2 30

Ибрагимов М.М. Характерные черты военных конфликтов и их трансформация в XXI веке 31

Луценко А.А. Частные военные компании как один из элементов гибридных войн 35

Артикбаев Д.Т., Собиров А.А. Роль инженерных войск в современных вооруженных конфликтах и перспективы их развития 38

Рахманкулов А.Б. Современные вооруженные конфликты и их влияние на экономику государства 43

Анарбаев О.И., Азимов Б.М. Особенности применения боевиками самодельных взрывных устройств на Ближнем востоке и Афганистане 48

Хикматов Р.П., Собиров Б.Т. Пограничный контроль и процедуры оценки рисков по выявлению иностранных боевиков – террористов в период гибридных войн 52

Тоиров А.И. Взгляды зарубежных экспертов в отношении войн будущего на примере Нагорно-Карабахского конфликта 2020 года 56

Шайманов А.Т. Особенности расчета потребности в силах и средствах для оборудования и содержания пунктов добычи и очистки воды в современных вооруженных конфликтах 62

Хамракулов Г.Б., Юлдашев Б.Т. Қўшин ва муҳим объектларни ниқоблаш 65

Абдурахманов С.Ю., Пулатов Ш.Ш. Применение новейших средств обнаружения взрывоопасных предметов в современных вооруженных конфликтах по опыту Сирийской Арабской Республики 70

SESSION #3 73

Сагитов Р.Р. Угрозы кибербезопасности и их влияние на систему управления 74

Тураев Б.Т. О роли человек-оператора в системе мониторинга безопасности информации 78

Мисиров Ш.Ч., Тухлиев Ш.Й. Кибер уруш ва кибер қурол тушунчалари 82

Хайдаров Б.М., Ахмедов Н.Г. Основные направления применения геоинформационных технологий в военном деле 87

SESSION #4 93

Гиляждинов Р.Т. Текущее положение и тенденции развития «Исламского государства - Хорасан» в Афганском конфликте 94

Нуруллаев А.А. Ёшларни деструктив ахборотлардан ҳимоялашнинг ижтимоий-психологик омиллари 97

Бурханов Т.М. Глобаллашув шароитида Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлашнинг истиқболлари 102

Рахмонов С.К. Замонавий фуқаролик жамияти ва унинг механизмлари 106

Чатаев Г.Д. Роль патриотизма в обеспечении пограничной безопасности Республики Узбекистан 109

Contacts 114





INTERNATIONAL SCIENTIFIC ONLINE CONFERENCE 2020

TOPIC

Modern Military Conflicts and Ways of their Prevention (in the Context of Learning Lessons)

DATE

4-5 November, 2020

PLACE

Tashkent City, Republic of Uzbekistan

ORGANIZATION

Academy of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan under the auspices of the Organization for Security and Co-operation in Europe (OSCE)

LANGUAGES

English, Russian, Uzbek

ACADEMY OF THE ARMED FORCES OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN

XALQARO ILMIY ONLAYN KONFERENSIYA

МЕЖДУНАРОДНАЯ НАУЧНАЯ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ

OSCE INTERNATIONAL SCIENTIFIC ONLINE CONFERENCE

SESSION #1

The 1st Day of Conference

4 November, 2020

INTERNATIONAL EFFORTS IN SECURITY ENSURANCE AND WAR PREVENTION LESSONS

МЕЖДУНАРОДНЫЕ УСИЛИЯ В ОБЕСПЕЧЕНИИ БЕЗОПАСНОСТИ И ПРЕДОТВРАЩЕНИИ ВОЙН

URUSHLARNI OLDINI OLISH VA XAVFSIZLIKNI TA'MINLASHDA XALQARO SA'Y-HARAKATLAR

Modern Military Conflicts and Ways of their Prevention (in the Context of Learning Lessons)

Современные военные конфликты и пути их предотвращения (в контексте извлечения уроков)

Zamonaviy harbiy nizolar va ularning oldini olish yo'llari (olinadigan saboqlar kontekstida)

ISOC INTERNATIONAL SCIENTIFIC ONLINE CONFERENCE 2020

Яқин Шарқ минтақавий хавфсизлигини таъминлашда Курд омили

Курдский фактор в обеспечении региональной безопасности Ближнего Востока

Kurdish Factor in Ensuring Regional Security of the Middle East



Фарход Эркинович Каримов
Farkhod E. Karimov



сиёс.ф.ф.д. (PhD), доцент, проректор, А.Авлоний номидаги Халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти, Ўзбекистон Республикаси

PhD in Political Science, Docent, Vice-Rector, Institute of Re-Training and Qualifications of Heads and Specialists of the National Education System A.Avloni, Republic of Uzbekistan

Мазкур мақолада Яқин Шарқнинг минтақавий барқарорлиги ва хавфсизлигини таъминлашда Курдлар муаммоси, уларнинг минтақадаги ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги иштироки ҳамда минтоқа давлатлари ўртасидаги муносабатларда Курд омилининг аҳамияти ўрганилган. Шунингдек, Яқин Шарқ давлатларининг ушбу масалаларга нисбатан муносабатлари, мазкур масалада ташқи куч омили ҳам кўриб чиқилган.

В статье предпринята попытка изучения роли Курдской проблемы в обеспечении региональной безопасности и в отношениях стран Ближнего Востока, и их участия в региональных социально-политических процессах. А также, рассмотрены позиции государств Ближнего Востока по данному вопросу и влияния внешнего фактора.

In the article, an attempt of studying of the role of the Kurdish problem in ensuring regional security and in relations between the countries of the Middle East and their participation in regional socio-political processes. Also, the positions of the Middle East states on this issue and the influence of the external factor are considered.

Курдлар масаласи Яқин Шарқнинг энг долзарб муаммоларидан бири бўлиб келган ва шундай бўлиб қолаверади. Мазкур масала дунё сиёсатшунос олимларининг тадқиқот объекти сифатида ўрганилиши, муаммонинг ҳозирги ҳолати ва ривожланишига қизиқиши бир қатор омилларга боғлиқ. Курдлар масаласининг сиёсий жараён сифатида ўзига хослиги – уларнинг ўз давлатига эга бўлмаган дунёдаги энг катта миллат бўлиб қолаётганлигидадир. Шу билан бирга, "Курдистон" дунё сиёсатшунос олимларининг таҳлиллари асосан этник тушунча сифатида талқин этилиши ва унинг "чегаралари" жуда шартли эканлиги ҳам мазкур масалани

янада кенгроқ таҳлил этиш ва тадқиқ этишни талаб қилади. Бу ҳақиқатда яна бир қўшимча муаммо, чунки бу этник чегарада аниқ чегаралар мавжуд эмас. Шубҳасиз, бу ҳудуддаги ҳар қандай ижтимоий-сиёсий жараёнлар Яқин Шарқдаги тўрт давлат – Туркия, Эрон, Ироқ ва Сурия томонидан кузатилиб борилади. Бу эса ўз навбатида, Курд муаммоси минтақадаги сиёсий вазиятга таъсири ва минтақа хавсизлигини таъминлашда алоҳида аҳамият касб этишини англатади.

Курд муаммосининг ўта нозиклиги ва долзарблиги – курд халқининг тарқоқ шаклда бўлинганлигидадир. Яъни, курдлар бугунги кунда Туркия, Эрон, Ироқ ва Сурияда, шунингдек, қисман Исроил, Марказий Осиё, Кавказ ва Европа давлатларида истиқомат қилишади. Курдларнинг умумий сони сўнгги маълумотларда тахминан 30-40 млн. гача деб кўрсатилмоқда[1]. Жойлашувига кўра, курдларнинг 47-54 фоизи (15 млн.га яқини) Туркияда, 20-32 фоизи (6.6 млн.) Эронда, 16-20 фоизи (6 млн.) Ироқда, қолган қисми эса бошқа давлатларда (Сурияда – 2.8 млн., Германия – 800 минг, Озарбайжонда – 150 минг, Исроилда – 100 минг, Ливанда – 80 минг, Туркманистонда – 40 минг, АҚШда – 20минг) истиқомат қилади[2]. Курдлар яшайдиган ҳудуд 400-500 минг кв.км. ташкил этиб[3], ҳудудий жиҳатдан ҳозирги Франция давлати билан тенг келади.

Туркияда курдлар

Курдларнинг энг кўпи Туркия Республикасида истиқомат қилади. Туркияда курдлар дастлаб жумҳурият эълон қилингандан кейин 1960 йилларгача босим остида яшади. 1960 йиллардан Туркияда кўп партияли тизимга ўтиб, демократик жараёнлар ривожлана бошлаши билан курдларнинг ҳам ҳаётида эркин ҳаракат қилиш, фикр, сўз эркинлиги, турли сиёсий ташкилотларга аъзо бўлиш каби фаолиятларда қатнашиш имконити пайдо бўлди. Лекин, бу узоққа чўзилмади. Шуни айтиш керакки, мамлакатда курдлар масаласи бугунгача ўз ечимини топмаган долзарб масаладир ва ҳар онда "портлаш" ҳусусиятига эгадир.

Ҳали Туркия Республикаси эълон қилинмаган лекин, миллий ҳаракатлар (kurtuluş) кетаётган бир пайтда ташкил этилган Буюк миллат мажлисининг 1920 йил 1 майдаги йиғилишида: "Буюк мажлисимизни ташкил этган жамоат фақат турк эмас, фақат черкез эмас, фақат курд эмас, фақат лаз эмасдир. Фақат ҳаммасини бирлашгани анасир-и Исламийдир, самимий бир мажмуадир.

Анасир-и Исламиядан (Мусулмонлардан ташкил топган унсурлардан) иборат бир жамоатга оиддир. Миллий чегараларимизни бу дедик. Ҳолбуки, Керкук шимолида турк бўлгани каби курд ҳам бордир. Биз уларни айирмадик. Шунинг учун, муҳофаза ва мудофааси билан машғул бўлганимиз миллат биргина унсурдан иборат эмасдир. Муҳталиф Ислом унсурларидан келиб чиқмоқдадир",[4] деб эълон қилинган эди.

Аммо, республика эълон қилинганидан 1960 йилларгача курдлар миллат сифатида амалда тан олинмади. 1930 йилларда Анқара курдлар масаласида жиддий сиёсат олиб бориб, курд етакчиларини сиёсий майдондан йўқ қилиш ҳаракатини бошлаган. Курдларнинг замонавий тарихини чуқур ўрганган Мак Дуэлл шундай ёзади:[5] "Анкарадан совуқ шамол тезда сезилди. 1923 йил ёзида Буюк миллат мажлисига янги сайловларда депутатларга ўз сайлов округларига бориши таъқиқланди. Курд минтақаларидан қўйилган янги номзодлар курдларнинг фикрича, халқ тарафидан эмас, ҳукумат тарафидан илгари сурилган. Шунинг учун, курдлар муҳолифати демократик шаклдаги республикадан чиқарилди.

---

[1] Кава Дибо. Регионально-международный аспект курдской проблемы // www.middleast.alfacom.net.ru

[2] Курдский вопрос на Ближнем Востоке. Часть 1 // http://islam-today.ru/politika/kurdskij_vopros_na_blizhnem

[3] ИльгарВелизадеКурдский вопрос для Ближнего Во стока07/03/2008// http://www.newsazerbaijan.ru/

[4] KONDA, Kürt Meselesini Yeniden Duşunmek. Turkiye, 2010. – S. 10.

[5] David A. McDowall. Modern History of the Kurds. London, I. B. Tauris, Third edition, 2004. – P. 191.

4 март 1924 йилда Мустафо Камол Халифалик тугаганини эълон қилди. Махсус қонун чиқартирилиб, дин ва халифаликка доир барча жараёнлар жиддий назоратга олинди. Диний мактаблар, мадраса ва хужраларнинг ёпилиши курдлар учун охирги таълим манбасининг йўқолишига олиб келди. Мустафо Камол диний муассасаларини ёпиб, курдларнинг душманига айланди. Улар халифаликни ҳимоя қилишга ҳар томонлама ишонган, диний билимларга эга шайхлар ва эски Хамадия етакчилари эди.

Шундан кейин, 30 йилларда Туркияда (Муш, Ханиса, Ағри (Арарат), Менемен, Эрзурум, Диярбакир, Дерсим ва бошқа) курдларнинг исёнлари бўлиб ўтди. Бу исёнларнинг деярли барчаси миллий мозаро кўринишини олди. 1925-1938 йилларда жами бўлиб 17 марта курдларнинг исёни бўлиб ўтди.[6] 1927 йил 3 октябрда барча қўмита ва жамоат ташкилотларининг иштироки билан *Hoybun* (Мустақиллик) "Миллий Курд Бирлиги" ташкил этилди. Битлисли Иҳсан Нури Паша бирликнинг раиси этиб сайланди.[7] Лекин, ташкилот 1928 йилда тугатилди ва раҳбарлари қатл этилди.

Курдларга нисбатан ассимилияция сиёсати 1932 йил 5 майда уларни Анатолия ичкарисига (мамлакатнинг ғарбий минтақаларга) кўчириш тўғрисидаги қонунни қабул қилиши билан яққол кўринди. Бу қонун 1934 йил ёзида Анқарага келишни режалаштирган Эрон шоҳининг зиёратидан кейин амалга оширилиши кўзда тутилганди.[8] *(Маълумотларга кўра, бугунги кунда Истанбулда 3 миллиондан ортиқ курд яшайди)*. Бундай хатолар 1937-38 йилларда Дерсимда заза курдларининг исёнига олиб келди. Бу исёнга Саид Риза етакчилик қилди. Лекин, жуда қаттиққўллик билан бостирилган бу исён курдлар учун катта йўқотиш бўлди. Саид Риза ва унинг ҳамроҳлари Элазигда осиб ўлдирилгандан кейин Дерсим номи харитадан ўчирилди. Дерсим (курдчада - кумуш эшик) ўрнига Тунчели (туркча, Tunç – бронза, eli – халқи яъни, *бронза каби мустаҳкам халқ*) номи берилди. Лекин, бугунги кунда ҳам Дерсим ва Тунчели номи орасида ноаниқликлар бор.[9] Бундан ташқари, республиканинг дастлабки йилларида бошқа бир қанча тарихий жойларнинг номи ҳам тўлиқ ёки қисман ўзгартирилди. Масалан, Урфа – Шанлиурфага, Антеп – Газиантепга ўзгартирилди.

Дерсим воқеаларидан кейин Туркияда курдларнинг исёнлари узоқ вақт сукунат сақлади. Лекин, курдлар яшайдиган минтақаларда ҳарбий ҳолатнинг ўрнатилиши (ҳатто, бугунги кунда ҳам баъзи ерлари шундай) баъзан асоссиз равишда ҳарбийларнинг аҳоли орасида тафтиш ишларини олиб боришига ва шубҳали шахсларни сўроққа тутишига олиб келди. Масалан, 1945 йил баҳорида Диярбакир ва Гиаварда ҳарбийлар бир қанча одамларни сўроққа тутиб, қамоққа олди ва 120 кишини қатл эттирди.[10] Бундан ташқари, курд маърифатпарварлари ҳам босим остида қолди. 1959 йил 49 та зиёли ушланиб, айирмачилик айби билан жазоланган.[11]

1960 йилга келиб, Туркиядаги ҳарбий давлат тўнтарилишидан кейин Демократ партиянинг ҳокимиятга келиши билан либераллашув жараёнлари курдлар учун ҳам эркин нафас олишига сабаб бўлди. Курдистон ҳақида мақолалар чиқа бошлади ва курдлар турк матбуотида фаоллаша бошлади. 1965-68 йиллар орасида туркча-курдча газеталар (*Dicle Fırat ve Deng*), Курдча тил билими китоби, курдча-туркча луғат, *Birine Reş* "Кага Yага" номли ўйини

[6] Taha Özen, Hatem Ete, Kurt Meselesi: Problemler ve Çözüm Önerisi. SETA Analizi, No1 Kasım, 2008. – S. 5.
[7] Bois Th., Minorsky V., Mac Kenzie D.N. ўша манба 108 бет.
[8] Юқоридаги манба ўша жойда.
[9] Maçoğlu, belediyenin 'Dersim' kararı hakkında konuştu: Türkiye'nin birçok yerinde kullanılmadı mı? // https://www.bbc.com/turkce/haberler-dunya-48387927 (23 Mayıs 2019).
[10] David A. McDowall. ўша манба 397 бет.
[11] Bois Th., Minorsky V., Mac Kenzie D.N. ўша манба, 110 б.

чиқди ва *Мем-ü-Zin* достони яратилди.[12] Лекин, улар кўп вақт ўтмай таъқиқланар, китоб ва газеталар чоп эттирилиши тўхтатилар, нашриёт ва ёзувчилари судланар эди.

Бу вақтда Туркияда курдларнинг бир нечта ноқонуний партия ва ҳаракатлари фаолият кўрсатмоқда эди. Шулардан бири Туркия Курдистони Демократик партияси бўлиб, 1965 йил Туркия Республикасида курд халқини тан олиш, унинг тили ва миллий маданияти ривожлантиришга қаратилган автоном маъмурий бошқарувга эга бўлиш мақсадида ташкил топган эди.[13] Моҳиятан ушбу партия Ироқ Курдистони етакчиси М.Барзанийнинг назоратидаги партия бўлиб, Туркия курдларининг ўз миллий тақдирини ҳимоя қилиш учун қўллаб қувватлашга қаратилган эди.[14] Мазкур партиянинг дастурининг 2-моддаси ташкилотнинг мақсади курд халқининг "ўз тақдирини ўзи белгилаш"га эришиш деб кўрсатилади. Партия аъзолари ушбу мақсадга эришиш миллий-демократик инқилоб йўли билан амалга оширилиши мумкин, деб ҳисобларди. Шунинг учун, қаршилик кўрсатиш учун қуролланган кучларни ҳам ташкил этиш назарда тутилганди.

Курдлар тарихидаги навбатдаги ва энг кучли ҳаракати 1978 йил 27 ноябрда Абдулла Ўжалан томонидан ташкил этилган Курдистон Ишчи партияси (курдча Partiya Karkeren Kürdistan - PKK) эди. Ўжаланнинг фикрига кўра, Курдистон ва курдлар Туркия томонидан эксплуатация қилинмоқда эди.[15]

1980 йил 12 сентябрда Туркияда навбатдаги ҳарбий тўнтариш бўлиб ўтди. Бу курдлар учун оғир кунларга сабаб бўлди. Айниқса, жанубий-шарқий ва шарқий Анатолия минтақасида қуролли тўқнашувлар даври бошланди. Турк аскарларига қарши курдларнинг ПКК бошчилигидаги партизан курашлари бошланди. 1987-2002 йиллар орасида бу минтақада OHAL (Olağan Üstü Hal Kanunu – Фавқулодда ҳолат қонуни) эълон қилинди. Бу ҳолат тоғли ҳудудлардаги 1,5 миллион курдларни яшаб турган жойидан кўчириб юборилишига олиб келди.[16]

90 йилларда Бош вазир Тургут Ўзалнинг либерал-демократик қарашлари ва айниқса, 1996-1997 йилларда Бош вазир доктор Нажмиддин Эрбаканнинг диний (нақшбандийлик) қарашлари туфайли курдлар ва ҳукумат орасида яқинлашув жараёнлари бўлди. 2002 йилдан ҳукуматга АТ партия (Adalet ve Kalkınma Partisi – Адолат ва Тараққиёт Партияси) келиши билан Курдларнинг ҳақ-ҳуқуқлари янада яхши томонга тикланди. Айниқса, бош вазир (ҳозирги кунда президент) Режеп Таййиб Эрдоганнинг курдларга нисбатан "Туркия Курдистонни ва шунингдек, Лазистонни борлигини тан олиши керак"[17]лиги борасидаги чиқишлари нафақат курд балки лаз, черкез ва бошқа миллатлар учун узоқ кутилган янгилик бўлди. Шунингдек, АК партиянинг консерватив қарашлари табиийки, партиянинг асосий электорати консерватив қатлам бўлган курдлар томонидан қўллаб қувватланди. АК партияси даврида курдлар яшайдиган минтақаларга ҳақиқатдан ҳам аввалги даврларга қараганда кўп миқдорда молиявий ёрдам ва инвеститциялар киритилган.

Ироқ курдлари

Курдларнинг минтақадаги ижтимоий-сиёсий жараёнларда шубҳасиз Ироқ курдлари энг фаол ва таъсирли ҳаракатлари билан ажралиб туради. Зеро, шундай сиёсий фаоллик

---

[12] Kürtçe yayın dünyasının dünü bugünü // http://www.haber7.com/kitap/haber/744872-kurtce-yayin-dunyasinin-dunu-bugunu

[13] Гасратян М. А. Курды Турции в новейшее время. Ереван: Айастан, 1990. – С. 261.

[14] Гасратян М. А. ўша жойда.

[15] Nihat Ali Ozcan, PKK (Kürdistan İşçi Partisi) Tarihi, İdeolojisi ve Yöntemi. ASAM Yayınları, 1999. – S. 33.

[16] Ulrike Dufner, Semahat Sevim, Kürt Meselesinin Çözümüne İlişkin Algılar, Aktörler ve Süreç. İstanbul, 2013. – S. 9.

[17] Erdoğan 'Kürdistan, lazistan' dedi // https://www.youtube.com/watch?v=42hGNrlUWsI

натижасида Ироқ курдлари автоном Курдистон мақомини қўлга киритди. Албатта, бунга осонликча эришмади, балкши кўплаб қон ва жон берди.

Инглизлар томонидан ташкил этилган Ироқ қироллиги даврида Сулаймания валиси Шайх Маҳмуд Берзенжи Ироқ шимолида ўзини "Курдистон ҳукмдори" деб эълон қилади. 1922-1924 йиллар амалда бошқарувни ўрнатган бўлсада, инглизларнинг ҳарбий кучи олдида ожиз эди. Курдларнинг тез-тез исён чиқаришлари натижасида инглизлар уларга автоном мақом беришга ваъда берган бўлсада, бу амалга ошмади.[18]

Берзенжидан сўнг 1931 йилда Шайх Ахмад Барзаний бошчилигида яна бир исён кўтарилди. Бу исёнларда етакчилик курдларнинг Барзаний оиласига ўтади ва бу оила (ашират) бугунги кунгача етакчиликни қўлда тутиб келмоқда. Аммо, исён бутун курд қавмлари томонидан тўлиқ қўллаб қувватланмаганлиги учун 1932 йилда бостирилади.[19]

1943 йилда Шайх Ахмаднинг исёнини укаси Мулла Мустафа Барзаний давом эттирди ва бу исён аввалги исёнларга кўра миллатчилик характерини олди. Мустафа Барзаний Керкук, Сулаймония, Ханақин ва Духокни ўз ичига оладиган Курдистон давлатини шакллантириш, Ироқ ҳукуматида бу давлатни бошқарадиган бир ваколатли органни ташкил этиш, курд тилини расмий тил бўлиши, маданий ва иқтисодий мустақиллик берилишини талаб қилади.[20]

Иккинчи жаҳон уруши арафасига тўғри келган бу исён 1945 йилда бостирилади ва Барзоний Ироқни тарк этиб, Эронга кетишга мажбур бўлади. Эронда сиёсий фаолиятини давом эттирган Барзоний Собиқ Иттифоқ ёрдамида Маҳабад Курд Республикасини ташкил этишда фаол қатнашади. 1946 йилда эса Курдистон Демократик партиясини (КДП) ташкил этади.

11 ой фаолият кўрсатган Маҳабад Курд Республикаси тугатилиши билан (Эрон шоҳи томонидан) Барзаний Собиқ Иттифлққа қочди ва у ерда 12 йил қолишга мажбур бўлди (Тошкента ҳам яшаган). 1958 йилда Ироқда қирролликни ҳарбий тўнтариш орқали ағдариб республика эълон қилиниши билан ҳокимиятга келган Абдулкерим Касим Барзанийни Ироққа даъват қилди ва КДП партиясини мамлакатда қонуний фаолият кўрсатишига рози бўлди. Шунингдек, Абдулкерим Касим ўз сиёсатини қўллаб қувватлаши эвазига Курдларга автоном беришга ваъда беради. Аммо, берилган ваъдалар бажарилмаши билан Барзани 1960 йил яна қуролли мужодалани бошлади ва бу мужодала 10 йилга яқин давом этди. 1968 йил Ироқда ҳокимият БААС партияси қўлга ўтиши билан курдлар билан можаро тўхтатилди ва 1970 йил автоном тўғрисидаги келишувни имзолаши билан можарога якун ясалди.

1970 йил 11 мартда БААС партияси номидан Саддам Ҳусайин ва КДП номидан Мулла Мустафо Барзонийлар имзолаган келишувга мувофиқ курдлар араблар билан биргаликда Ироқнинг тарихий халқларидан эканлиги қабул қилинди. Курдлар кўпчиликни ташкил қиладиган минтақалар Курдистон минтақаси чегараларига киритилди. Икки томондан ҳам баҳсли бўлган ҳудудлар эса референдум йўли билан ҳал қилиниши ҳақида келишиб олинди. Шунингдек, марказий бошқарувда вице-президент курдлардан бўлиши ва парламентда аҳоли сонига кўра вакиллик ўрни берилиши ва курд тили расмий тил сифатида қабул қилиниши белгиланди. Курд минтақаси ўз ички ишларида мустақил бўлиши, қонун чиқариш ва бошқарув (ижро этиш) ҳуқуқлари берилди.[21] Бир сўз билан айтганда, Ироқ ҳукумати илк маротаба курдларнинг сиёсий статус талабларини автоном бериш билан жавоб қайтарди.

Мазкур келишув тўрт йил ичида амалга оширилиши белгиланган бўлсада, Ироқ ҳукумати Керкук билан бирга референдум бўлиб ўтадиган ерларда араблаштириш сиёсатини

---

[18] Wadie Jwaideh, The Kurdish National Movement: Its Origins and Development (Contemporary Issues in the Middle East). Syracuse University Press, 2006. – P. 315-395.

[19] Wadie Jwaideh, ўша жойда.

[20] Wadie Jwaideh, ўша жойда.

[21] История Курдистан. (ред.) М.С.Лазарев, Ш.Х.Мгои. М., 1999. – С. 318-324.

олиб борди ва бу янги зиддиятларни келтириб чиқарди. 1974 йилга келиб баъзи масалаларда ишлар яхши кетсада, баҳсли минтақалар бўйича муаммолар ҳал бўлмади ва референдум ўтказилмади. Шунинг билан бирга, БААС партияси 1974 йил 11 мартда бир томонлама чегаралари аниқ кўрсатилган Курдистон автоном минтақасини эълон қилди ва тан олди. Баҳсли ҳудудлар эса Ироқ ҳукуматига тегишли эканлигини билдирди. КДП бунга эътироз билан чиқди ва Мустафо Барзоний яна исён кўтарди.[22]

Барзонийнинг бу галги кўтарилишида минтақавий ва халқаро ўйинлар ҳам муҳим рол ўйнади. "Совуқ уруши" даврида АҚШ, СССР тарафдори ҳукуматларга қарши муҳолифат гуруҳларни қўллаб қувватлаш орқали уларнинг таъсирини камайтиришга ҳаракат қиларди. Шу сабабли, АҚШ ва ўша пайтдаги иттифоқчиси Эрон (қироллик даврида) БААС бошқарувига қарши Барзоний ҳаракатини қўллаб қувватлади. Эрон бу пайтда Ироқ билан чегара масаласида ҳам ихтилоф ҳолатида эди. Шунингдек, Исроил ҳам у пайтда Араб давлатлари билан конфликтлари туфайли минтақада араб бўлмаган бутун унсурлар билан яқин алоқа ўрнатмоқда эди. Шундай қилиб, Барзаний АҚШ, Эрон ва Исроилнинг ёрдами билан 1974 йил апрелда исён кўтарди. Аммо, бу исёни муваффақиятсизлик билан тугади. Қолаверса, 1975 йил Ироқ ва Эрон чегара муаммосини ҳал қилиб, Эрон фойдасига келишувга бориши билан Эрон ҳам курдларга ёрдамини тўхтатди. Эрондан ёрдам ололмаган Барзаний исёни тезда бостирилди.[23]

Курдистоннинг шимолида КДП, унинг жанубида КЮБ ҳукуматлари орасида 1994-1997 йилларда турли уруш ва тинчлик даврлари яшасада, 1998 йилда тинчлик келишувларига эришиб, иккала ҳукумат ўртоқ бир қарорга келди ва танглик юмшаб, бутунлай бирлашувга эришилди.

Курдлар шу шаклда ўз ҳукуматларини қуриб, аста-секин ривожланар экан 2003 йилга келиб, АҚШнинг Ироққа ҳарбий ҳаракатлари вазиятни курдлар фойдасига ўзгартириди. Курдлар бу вазиятдан фойдаланиб, ўз чегарларини кенгайтириш имконига эга бўлдилар. Саддам Хусайн ҳокимиятининг ағдарилиши билан Муваққат ҳукумат қурилди ва бу ҳукуматда курдлар муҳим позицияларни қўлга киритдилар.

Муваққат ҳукумат қонун қабул қилди ва бунга кўра, Ироқ Федерал Давлат деб эълон қилинди. "Курдистон Минтақавий Ҳукумати" деб номланди ва пешмерга минтақанинг хавфсизлигини таъминловчи куч сифатида қабул қилинди. Шунингдек, курд тили минтақада расмий тил мақомини олиш билан бирга, Курдистонга Ироқ марказий бюджетидан 17% улушини берилиши қонунан белгилаб қўйилди.[24]

Бу қабул қилинган қонун 2005 йил 15 октябрда бутун халқ овози билан юридик кучга кирди. Шу билан, курдлар ўз муаммо ва масалаларини қонуний ҳал қилишга эришди. Қолаверса, 2005 йилги умумхалқ сайловларидан кейин КЮБ партияси етакчиси Жалол Талабаний янги Ироқнинг биринчи президенти бўлди, КДПли Хошяр Зебари эса ташқи ишлар вазири лавозимига тайинланди. Курдларнинг муваффақиятли музокаралари натижасида бир нечта вазирликда ҳам курдлар юқори лавозимларга тайинланди.

Эрон курдлари

Эрондаги курдлар Биринчи жаҳон урушидан кейин ҳокимиятга келган Пахлавийлар даврида 1978 йилдан кейинги Эрон Ислом Республикаси даврига қараганда яхшироқ вазиятда яшашди. Сабаби, Пахлавийлар даврида Эрон халқи "арий" бир ирқ ва курдлар ҳам ушбу ирқдан бири эканлиги тушунчаси ўзаро ҳурмат ва яқинлаштирувчи унсур бўлди. Аммо, ҳар доим ҳам бу "арий" ирқлик бирлаштирувчи ҳусусиятга эга бўлмади. Бу ҳақда курдлар

---

[22] М.С.Лазарев, Ш.Х.Мгои, ўша манба 327-329 бетлар.

[23] Martin van Bruinessen, Ağa, Şeyh, Devlet, Туркчага таржима: Banu Yalkut. İletişim Yayınları, 6. Baskı, İstanbul: 2013. – S. 55.

[24] Michael M. Gunter, The Kurds Ascending. Palgrave MacMillan, New York: 2008. – P. 19-35.

ҳақидаги машҳур тадқиқотлари билан танилган рус шарқшуноси Минорский шундай ёзади: Эрон курдлари ҳар замон Туркия курдларидан фарқли вазиятда бўлган. Ҳақиқатдан ҳам Эрон ҳукумати бу икки халқнинг (форс ва курд назарда тутилмоқда таъкид муаллифники) ирқий ва тарихий яқинлигига аҳамият берган. Лекин, бу ҳолат вақти вақти билан ижтимоий-сиёсий норозиликларнинг чиқишига, баъзан ноаниқлик, баъзан қонли можароларнинг чиқишини олдини ололмади.[25]

Ироқ, Туркия ва Эрон курд исёнларидан бир хилда ташвишланарди. Шу боис, 1937 йил Садабадда Риза Шах саройида шартнома имзолади ва унга кўра, имзо чекувчилар мавжуд чегараларни тан олдилар ва яхши қўшничилик қонунларига риоя қилишни ўз зиммасига олдилар. Бу курдлар учун уларнинг орзуларини рўёбга чиқаришда давлатлараро ҳамкорликда тўсиқ бўлишини билдирарди. Қолаверса, ушбу давлатлар ўзаро норозиликка эга бўлган курдлардан бир-бирига қарши қўйишда фойдаланмасликка ҳам келишгандилар.[26]

Шундай бўлсада, Иккинчи жаҳон уруши Эрон курдлари учун яна бир муҳим имконият пайдо қилди. 1941 йил 20 августда СССР, Англия ва Америка бирлашган қўшинлари Эронга кирди. Риза Шахни ўрнига бошқа ҳукуматни шакллантирди. Теҳрондаги бу ҳукуматнинг Инглиз ва Америкаликларнинг жанубдаги, Советларнинг шимолидаги ҳукмронлиги остидаги минтақаларда ҳеч бир таъсири йўқ эди. Мамлакатдаги кучланаётган турли сиёсий партияларга демократик ҳақлар берила бошлади.

Махабад минтақаси деярли советларнинг таъсири остида аммо, ҳеч кимга бўйсунмаган ҳолатда эди. Курд миллатчилигининг узун бир илдизи бўлган ер эди бу. 1942 йил сентябрда бу имкониятдан фойдаланиб қолиш мақсадида Махабад курдлари илк курд сиёсий ҳаракати Комала (Жияний Курдистан – Курдистон Уюғониши) ҳаракатини бошлади.[27]

1945 йил янги бир партия Курдистон демократик партияси (Ироқлик Барзаний ҳам шундан ўрнак олиб, ўз партиясини қурган) қурилди. Комаланинг барча аъзолари ушбу партия ҳаракатларига қўшилди. КДП саккиз муҳим моддаси бўлган бир дастур эълон қилди:[28]

1. Эрондаги курд халқи ўзининг ҳудудий бошқарувига эга бўлиши керак ва Эрон ўз ҳудудида Автоном Курд давлатини тан олиши керак;

2. Она тилларида таълим олиш ҳаққи, курдлар яшайдиган ерларда расмий тил курд тили бўлиши керак;

3. Мамлакат конституцияси Курдистондаги ҳудудий бошқарувчиларнинг жамият ва давлат ишларида лавозимга сайловлар орқали тайинланишини кафолат остига олиши керак;

4. Давлат раҳбарлари маҳаллий аҳоли томонидан сайланиши керак;

5. Икки томоннинг ҳам келажагини хавфсизлик остига олиш учун қишлоқликлар ва ер соҳиблари орасидаги келишувига асос бўладиган умумий бир қонун қабул қилиниши керак;

6. КДП, Азарбайжон халқининг (бу пайтда Эрондаги азарийлар ҳам миллий ҳаракатларини бошлаган эди) ва Азарбайжондаги барча этник камчиликлар (суриянийлар (оссурлар), арманлар ва б.) билан қардошлик ва бирлик учун мужодала қилади;

7. КДП деҳқончилик ва савдони ривожлантириш, таълим ва соғлиқни сақлаш шароитларини яхшилаш, курд халқини моддий ва маънавий тараққиётини таъминлаш учун астойдил меҳнат қилади;

8. КДП барча Эрон халқининг сиёсий эркинлигини таъминлаш ва давлатнинг шу шаклда ривожланишини истайди.

---

[25] Bois Th., Minorsky V., Mac Kenzie D.N. Kürtler ve Kürdistan. Kamuran Fıratlı (инглизчадан туркчага таржимаси). İstanbul: Doz Yayınları, İkinci Baskı, 2004. – S. 112.

[26] David A. McDowall, ўша манба 225 бет.

[27] Abdurrahman Qasimlo, İran Kürdistanı, İstanbul: Belge Yayınları, 1. Baskı, 1991. – S. 4.

[28] Abdurrahman Qasimlo, ўша манба 4-5.

Xatlash raq. 4276/8
O'R QK AKADEMIYASI
"O'QUV KUTUBXONA"

1946 йил 24 январда Саққез атрофидан делегатларни иштирок этган катта бир йиғилишда (съездда) илк Курдистон Республикаси эълон қилинди. ҚДП етакчиси Кади Муҳаммад президент этиб сайланди. Қисқа вақт ичида бу республика давлат институтларини шакллантира бошлади, мактаб ва касалхоналар қурди. Курд тилига расмий тил мақоми бериб, курд тилида китоб ва газеталар чиқар бошлади.

Аммо, Теҳрон келишувига мувофиқ АҚШ, Англия ва СССР бирлашган кучлари олти ой ичида мамлакатни тарк этишни бошладилар. Советлар ёрдамида қурилган ва Совет армиясининг мамлакатни тарк этиши билан ҳимоячисиз қолган Курдистон 1946 йил декабрида Эрон қўшини томонидан ишғол қилинди. Кади Муҳаммад ва унинг укаси ва жияни ушланиб ўлимга маҳкум қилинди. Барзаний одамлари Эрон қўшинлари билан анча кун уруш олиб борди ва ниҳоятида енгилиб оиласи ва командаси билан СССРга қочди.

1951 йил Эрон ҳокимиятига келган доктор Мусаддик Эрон нефть захираларини миллийлаштириш сиёсатини олиб борганда курдлар томонидан тўлиқ қўллаб қувватланди. Лекин, Мусаддик 1953 йил инглизлар томонидан ташкил этилган тўнтариш билан ҳокимиятдан четлатилди. Кейинги даврларда 1979 йилгача Эронда Ислом революциясигача курдлар Ироқ курдларига Ироқдаги автоном статуси учун курашига ёрдам бериб келди.

1980 йилда Хомайни Ислом революциясидан кейин барча сиёсий партияларни тугатди. Мазҳабсал бошқарув тизимига ўтилди. Шундай бўлсада, вақт ўтиши билан яна миллий ва диний кўринишдаги сиёсий партиялар ташкил этиларкан, Эрон Курдистони демократик партияси (ЭКДП) ҳам қайта тузилди. Ироқлик Барзаний бу партияни ҳар томонлама қўллаб қувватлади. ЭКДПнинг секретари А.Хасанзаде давлат ташкилотларида, ОАВларида, суд ва таълим даргоҳларида курд тилини ишлатишга ва курдларнинг ижтимоий статусини тенг қилиш талабларини илгари сурди.[29]

Умуман олганда Эрон курдлари бугунги кунда ҳам қаттиқ босим остидадир. Ваколатланмаган Миллатлар ва Халқлар Ташкилотининг (UNPO) 2017 йилги маълумотларига кўра, курд халқи ҳукумат томонидан дискриминацияга ва ҳарбий, сиёсий босимга учраб келмоқда.[30]

Сурия курдлари

Франциянинг 1946 йилга қадар давом этган ҳокимияти даврида Суриянинг иқтисодий ҳолати минтақадаги Туркия, Ироқ ва Эронга нисбатан яхши бўлган. Ҳатто, Туркиядаги курдлар Сурияга бориб ишлаган ва яшаган. Туркиядаги курдларга босим пайтида кўплаб курдлар Сурияга қочиб ўтган. Шунинг учун бўлса керак, расмий Дамашқ бир неча йил Сурияда курдларни асл ватани Туркия деб келган ва курдларнинг мавжудлигини расман инкор қилган.[31]

Француслар даврида курдлар Жазире ва Африн каби шаҳарларининг иқтисодий ривожланишида муҳим рол йўнади. Туркия ва Ироқ билан савдоларда фаол бўлишган. Фақат, 1957 йилда Араб Белбоғи режаси[32] туфайли курдлар учун сиёсий қийинчилик ва муаммолар ўртага чиқди. Бу режа асосида 1963 йил амалга оширилган ер ислоҳати баҳонасида 120 минг курд қишлоқ оиласининг ерлари тортиб олинди ва айни пайтда уларнинг фуқароликдан ҳам чиқарилди. Шундай қилиб, бу оилаларнинг болалари ўқиш, давлат мактабларига бориш, фуқаролик хизматларидан фойдаланиш ва давлат касалхоналарига жойлашиш ҳуқуқларидан

---

[29] Жигалина О.И. Курдский вопрос в Иране. Курдский вопрос на рубеже тысячелетий (круглый стол 19.02.2004 г.) М., 2004. – С. 82.

[30] UNPO. Iranian Kurdistan // https://unpo.org/members/7882

[31] A.Vahap Uluc, Suriye Kürtleri: Türkiye Kürtleri'nin Devami. Journal of Sociological Research, Vol.19, No. 1, April 2016. – P. 197-199.

[32] БААС партиясининг ҳокимиятга келиши билан курдларни араблаштириш мақсадида курдлар яшайдиган жойларга араб қавмларини ерлаштириш режасидир.

маҳрум бўлди. Минтақада бутун курд китоблари ва мусиқа фаолияти таъқиқланди. Қишлоқларнинг курдча номлари ўрнига арабча исмлар қўйилди. Қишлоқлардан кувилган курдлар ўрнига араблар жойлаштирилди.[33]

1970 йил 6 ноябрда генерал-майор Хафез Асад давлат тўнтариши орқали ҳокимиятга келди. Хафез Асад панарабизмни ривожлантиришдан кўра кўпроқ Сурия халқининг ҳимоячиси сифатида кўрсатувчи мифологияларга асосланган автократик режимни ривожлантирди. Шунинг учун, уни даврида режимга қарши чиқувчилар аёвсиз жазоланарди. Буни 1982 йил Хамадаги воқеалардан ҳам кўриш мумкин.[34]

Шундай бўлсада, 1970 йилларда суриялик курдлар Сурия Курдистон демократик партиясини (СКДП) ташкил қилди. У моҳиятан КДПнинг бир кўриниши эди. СКДПнинг мақсади курдларни миллий этник камчиллик сифатида конститутциявий борлигини тан олишга эришиш эди. Шунингдек, 1978 йил Туркияда ташкил топган ПКК ташкилоти раҳбарлари А.Ўжалан бошчилигида 1980 йил Туркиядаги давлат тўнтаришидан кейин Сурияга қочиб ўтади. Сурия ПККни раҳбарларига сиёсий бошпана беради. Таҳлилчиларнинг фикрича, бунга бир нечта сабаблар бўлган: биринчидан, икки давлат ўртасида Александреттани (Хатай) 1939 йил Туркияга қўшилиши билан боғлиқ эски аъдоват, иккинчидан, Сурия Ефрат (Фират) сув таъминотига эга бўлиш учун Туркияга босим қилиш, учинчидан, Сурия ўша пайтларда Туркия ва Исроил ўртасидаги альянс орасида қолаётганини ҳис қилаётган эди.[35] Тўртинчидан, бизни фикримизча, ўша пайтлар Хафез Асад СССР билан иттифоқчи эди ва ПКК марксист-ленинист ғоялар асосида қурилган ташкилот СССР томонидан моддий қўллаб қувватланмаган бўлсада, идеологик қўллаши (НАТО иттифоқчиси бўлган Туркияга қарши) табиий эди.

Умуман олганда, ПККнинг Сурияга бориб жойлашиши суриялик курдларга катта сиёсий мадад бўлди. ПКК у ерда расмий йиғилишлар ўтказарди. Айниқса, маданий жиҳатдан барча курдларни бирлаштириш функциясини бажарди. Курдларнинг энг муҳим байрами Наврўз кенг нишонланадиган бўлди. Байрамларда курд рақс ва мусиқалари курдларни тасаввур қилувчи рангларда (қизил, яшил, сариқ ва оқ) чиқишлари курдларнинг ягона сиёсий жамиятга айлантирмоқда эди. Лекин, бу ҳолат узоққа чўзилмади. 1998 йил Туркияни бостириб келишидан хавотирга тушган Сурия ПКК фаолиятини тугатди. 1999 йил бошида А.Ўжалан Кенияда қўлга олинади ва Туркияга олиб келинади.[36]

ПККнинг фаолияти тугатилсада курдлар орасида жуда ҳам кучли из қолдирди. 2000 Хафез Асад вафот этади. Унинг ўрнига Лондонда яшаб юрган офтальмолог Башар Асад ҳокимиятга ўтиради. Башар Асад либерал ислоҳтлар ўтказади, лекин кутилган натижа бермайди. Дастлабки йилларида муҳолифат (сунний араблар, бошқа миллат ва динлардан иборат) Асаддан яхши умидларда бўлади. Вақт ўтиши билан вазият ўзгаради ва муҳолифат очиқча қарши ҳаракатларга ўтади. Бу орада Курдлар Иттифоқ партияси Yekîtî тузилади. 2003 йил ПККнинг Суриядаги вориси Демократик Иттифоқ партияси (Partîya Yekîtî ya Dêmokrat – PYD) тузилади ва улар Курдистонга автоном бериш талаблари билан чиқа бошлайди. 2011 йилга келганда "Араб баҳори" бошланиб, мамлакат хаосга кирди.

Хулоса қилиб айтганда, минтақадаги курдлар сони жиҳатдан 25-30 миллион деб ҳисоблайдиган бўлсак, минтақада ҳукмронликка эга турк, форс, араб миллатлари билан бемалол рақобатлаша оладиган ҳолатдадир. Устига устак, минтақадаги курдларда маълумотлилик даражаси паст бўлсада, туғиш ва кўпайиш минтақани бошқа халқларига

---

[33] Bois Th., Minorsky V., Mac Kenzie D.N. Kürtler ve Kürdistan. Kamuran Fıratlı (инглизчадан туркчага) таржимаси. İstanbul: Doz Yayınları, İkinci Baskı, 2004. – S. 127.

[34] Wedeen Lisa, The Ambiguity of Domination. Politics, Rhetoric, and Symbols in Contemporary Syria. University of Chicago Press, 1999. – P. 73.

[35] Anne Sofie Schøtt, The Kurds of Syria, Royal Danish Defence College, Copenhagen, June 2017. – P. 11.

[36] Anne Sofie Schøtt, ўша манба, 12 бет.

қараганда юксакдир. Бу ҳукмрон халқларнинг ўйлантирмасдан қолмайди. Шунинг учун, курдлар устидан босим ҳам тугашини кутиш ёки муаммони демократик йўл билан ҳал қилиш ҳақида гапириш мушкул.

Курдлар минтақада яшаган давлатларида ўз тилида мулоқат қилиш, таълим олиш, суд ва давлат ташкилотларида курд тилида иш олиб бориш имкониятини яратиш, ОАВларида курд тилида каналлар очиш каби биринчи даражали талабларини илгари сурмоқда. Бугунги кунда бу талабларга Ироқдаги курдлар эришган бўлсада, Туркияда баъзан бу талаблар қондирилади, баъзан йўқ, Эронда эса охириги пайтлардаги бироз ўзгаришларни хисобга олмаганда деярли ижобий ишлар кўринмайди. Сурияда эса бу каби талаблар ҳеч қачон амалга оширилмаган лекин, бугунги кунда Сурия уч-тўрт қисмга бўлинган. Мамлакат шимолида курдлар ҳозирча мустақил ҳолатда ва курдлар Ироқдаги каби автоном бошқарувни талаб қилмоқда. Албатта, курдларни тамоман маъдур халқ дейиш ҳам бир ёқлама ёндошув бўлган бўлади. Сабаби, курдлар ҳам ташқи провокацияларга учмоқда. Турли хил ғоя ва идеологияларини илгари сурмоқда. Шулардан бири "Буюк Курдистон" ғоясидир. Бу ҳолатда минтақа давлатлари курдларга нисбатан жуда қаттиқ қуллик билан ёндошмоқда ва лекин, баъзан ҳаддан ташқари ошириб юбормоқда. Курдларга нисбатан босимнинг кучайиши нафақат курдларнинг нафратини кучайтирмоқда балки, ташқи акторлар учун ҳам курд сиёсати яна кун тартибидан жой олмоқда.

Юқорида қайд этилганидек, Туркия – бевосита манфаатдор тўрт давлатдан бири. Зеро, Туркия Яқин Шарқ минтақасида ва Ислом дунёсида етакчи давтлардан бир ҳисобланади. Бу эрда Курд миллий ҳаракати XX асрнинг бошларида фаоллаша бошлади. Курд миллий ҳаракатининг асосий ҳаракатлантирувчи кучи – Курдистон ишчи партияси (КИП) билан расмий ҳукумат ўртасида ўттиз йилдан ортиқ давом этган қуролли кураш ва тинч аҳолининг хавсизлигини таъминлаш мақсади Туркияни Курд халқининг ўз тили ва маданияти мавжудлигини расман тан олиш ва қўллаб қувватлаш сиёсатини юритишга сабаб бўлди[37]. Туркиядаги Курд радиоси ва телеканалларини ташкил этишлиши, мактабларда курд тилида таълим берилиши, курд тилида оммавий ахборот воситаларининг яратилиши, Курд миллатига мансуб депутатларнинг ўз она тилида гапириш имкониятининг берилиши минглаб одамларнинг нобуд бўлиши ва миллионлаб одамларнинг уйларидан кўчиб кетишига сабаб бўлган низоларнинг тўхтатилишига олиб келди[38].

Сўнгги йилларда Туркиядаги Курд муаммоси янги босқичга кўтарилди.

2013 йил март ойида КИП ва расмий ҳукумат ўртасида тинчлик сулҳи тузилди. 21 мартда Диёрбакирда Наврўз умумхалқ байрамини нишонлаш чоғида Абдулла Ўжаланнинг (КИП етакчиси) Курд ишчи партияси вакилларига мурожатномаси ўқиб берилади. Мазкур мурожаатда курдлар дин ёки бирор бир миллатга қарши эмас, балки инсон ҳуқуқлари, эркинлик ва демократия учун курашганликларини, Туркия ва қолаверса бутун Яқин Шарқ минтақасида ижобий сиёсий ўзгаришлар бўлаётгани, янги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жараёнлар бошланганини алоҳида қайд этади. Шунингдек, мурожатномада Ўжалан КИП тарафдорларини қуролли курашларга чек қўйиш, мулоқотнинг дипломатик усулларига ўтиш ва Ислом давлатига (ИШИД) қарши биргаликда курашишга чақиради[39].

2015 йил ёзида вазият тубдан ўзгарди. Шу йилнинг 7 июнь кунида бўлиб ўтган Туркия Олий Миллат Мажлисига сайловларида Курдистон Демократик Партияси (КДП) 10 фоиздан

---

[37] Seufert, G. The return of the Kurdish question: on the situation of the Kurds in Iraq, Syria and Turkey. Berlin, 2015. URL: http://nbn-resolving.de/urn:nbn:de:0168-ssoar-441911

[38] Мосаки Н. Государственный курдоязычный телеканал в Турции: медийные, политические и этнические аспекты // Ближний Восток и современность: сб. ст. (вып. 40). М., 2009. С. 122-123.

[39] İşte Ocalan'ın Nevruz mesajı.
http://www.cumhuriyet.com.tr/haber/turkiye/232961/iste_Ocalan_in_nevruz_mesajl.html]

ортиқ депутатлар ўрнига эга бўлиши, бунга нисбатан айрим сиёсий кучларнинг эътирозлари кўпайиши Курдлар муаммосининг яна кўтарилишига олиб келди[40].

Яқин Шарқ бўйича етакчи сиёсатшунос олимлардан бири Яннис Мазиснинг фикрича, бунга ўхшаган муаммоларнинг қайта кўтарилмаслиги учун Туркия ҳукумати Курдларга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириши ва янги зиддиятларнинг олдини олиш бўйича аниқ қарорга келиши лозим[41]. Унинг бу фикрларида қайсидир маънода асослар ҳам мавжуд. Зеро, мазкур муаммонинг ҳар даврда қайталанаверишига расмий Анқаранинг курдларнинг ижтимоий эҳтиёжларининг тўлиқ қондирилмаётгани сабаблардан бири бўлиб қолмоқда[42]. Туркиянинг жанубий-шарқий қисмида курд жангариларига қарши олиб борилган ҳарбий операцияларида барча курд аҳолисига нисбатан нотўғри фикрларнинг шаклланганлиги натижасида юзлаб бегуноҳ курдлар қурбон бўлгани юқоридаги фикрларнинг асосли эканлигини кўрсатиб турибди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, курдлар муаммоси яқин келажакда Туркиянинг ички сиёсий жараёнларида марказий масалалардан бири бўлиб қолаверади, зеро, мазкур масала давлатнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигини таъминлашдаги асосий омиллардан бири ҳисобланади. Сўнги йилларда Туркия парламентар тизимдан президентлик республикаси тизимига ўтиши ва бундай ҳолатда ҳукуматнинг юритаётган сиёсати курд сиёсий кучлари (жумладан, курд халқининг Халқлар демократик партияси) томонидан қўллаб қувватланиб, умумий мақсадлар сари бирлашмас экан мамлакатда сиёсий барқарорликни тўлиқ ўрнатишнинг имкониятларини чеклаб қўяди. Ўз навбатида, Курдлар турли террористик ташкилотлар, шу жумладан ИШИДга қарши курашда бутун минтақада катта кучга эга ҳисобланади. Шундай экан, умумий мақсадларни мувофиқлаштирган ҳолда расмий ҳукуматнинг ички ва ташқи сиёсатининг курдлар томонидан қўллаб қувватланиши нафақат Туркияда, балки бутун минтақада хавфсизликнинг таъминланиши ва барқарорлик ўрнатилиши йўлидаги бир қатор муаммоларни бартараф этиш имкониятини берган бўлар эди.

Яқин Шарқ минтақаси хафсизлигини таъминлашда Курдлар масаласи, ёки Курдлар омилининг аҳамияти ортиб бормоқда. Мазкур масала нафақат Туркияда, балки кўпсонли курдлар истиқомат қилувчи Эрон ва Ироқда ҳам долзарб ҳисобланади.

Эрон Ислом Республикаси пойтахти – Теҳронда кўплаб марказий кўчалар ва ижтимоий объектлар курд тилида номланган. Эронда курдлар эронликлар жамиятига интеграциялашган бўлиб, бутун халқни ташкил этувчи асосий элемент бўлиб улгурган.

Сурия – ҳукумат курдлар этник бирликлари билан бирор маротаба жиддий сиёсий қарама-қаршиликка бормаган давлат ҳисобланади. Бу давлатда бир нечта этно-конфессионал жамиятлар ўртасида дўстона муносабатлар қўллаб қувватланиб келинган. Сурия ҳукумати жуда ақлли полиэтник сиёсат юритган ҳолда давлатнинг унитар шаклини сақлаб қолган ҳолда курдлар масаласида ташқи таъсир ва аралашувларни олдини олиб келган. Аммо, агарда Сурияда вазият янада кескинлашадиган бўлса, Ироқдаги каби курдлар мамлакатда катта таъсир доирасига эга бўлиши муқаррар. Бу ҳолатда Яқин Шарқдаги курдларнинг таъсир доирасининг кенгайиши ва Эрон ҳамда Туркия учун катта хавф туғдириши табиий.

Илгари курдлар масаласи Туркия, Эрон, Ироқ ва Сурия давлатлари ўртасида муҳокама қилинган бўлса, ҳозирда Европа ва умуман Ғарбда муҳокама қилинмоқда ва бунда курдлар фаол иштирок этишмоқда. Курд сиёсий фаоллари бутун минтақавий сиёсий жараёнларининг ўз сўзи ва позициясига эга иштирокчилари сифатида намоён бўлиб бормоқда. Минтақа давлатларининг сиёсатчилари ҳам курдалрнинг сиёсий дискуссияларда иштирок этиши

---

[40] Саетов И. Предвыборная война: кому на руку разжигание конфликта с курдами в Турции? http://russiancouncil.ru/inner/?id_4=6554#top-content.

[41] http://ria.ru/world/20160407/1404214678.html

[42] http://ria.ru/world/20160407/1404214678.html

хавсизликка оид муаммоларни ҳал этишда самарали бўлишини тушуниб етмоқдалар. Зеро, бугунги кунда курд сиёсий кучларининг сиёсий позициялари айрим масалаларда ҳал қилувчи аҳамият касб этиб бормоқда. Дунёнинг етакчи давлатлари ҳам минтақавий муаммоларни бартараф этиш соҳасида курд сиёсий кучлари, партиялари ва ташкилотлари билан муносабатлар ўрнатилиши курдларни Яқин Шарқ минтақасида ўзига хос янги сиёсий куч шаклланганлигидан далолат беради. Курд сиёсий партиялари шу асрнинг бошида Ироқдаги уруш ва сиёсий кризис ҳолатида ҳам ўзларининг самарали ва ўзига хос сиёсатлари билан муаммоли вазиятлардан чиқа олганликлари – курд сиёсий кучларининг замонавий субъект сифатида намоён бўлиши мумкинлигини кўрсатиб берди.

АҚШ ва Буюк Британия томонидан шимолий Ироқдаги Курдистонинг сиёсий мустақиллигини қўллаб қувватлаётганини кўриб турган минтақанинг етакчи давтлатлари ҳам курдлар масаласини муаммо сифатида кўтармаслик ва курд сиёсий кучлари билан ҳамкорликни ўрнатиш, умумий мақсадлар сари бирлашиш ҳамда шу орқали ўзларининг ҳудудий ва сиёсий яхлитликларини сақлаб қолиш зарурлигини тушуниб етишган[43].

Умуман олганда, курдлар масаласи Яқин Шарқдаги этносиёсий муносабатларда, минтақанинг сиёсий жараёнларида катта ўрин тутмоқда. Минтақада барқарор вазиятни ташкил этиш истиқболда кўп жиҳатдан курд муаммосини қай даражада ҳал қилинишига боғлиқ. Курдлар сиёсий мақсадларини амалга оширишни тўхтатмас экан, Туркия, Эрон, Ироқ ва Сурияда курд омили долзарблигича қолаверади. Курдлар муаммосини том маънода нафақат миллий ёки минтақавий, балки, глобал хавфсизликни таъминлашда ва жаҳон ҳамжамиятининг ривожланишида жиддий муаммолардан бўлиб, ушбу масалаларни қай даражада ҳал қилиниши бугунги кунда халқаро мунсабатлар доирасида қабул қилинаётган қарорларга боғлиқ бўлиб қолмоқда. Мазкур ҳолатлар хавфсизлик тизимини яратишда этник омилнинг ўрни ва ролини белгилаб берувчи муҳим жиҳатлардан бири ҳисобланади.

[43] Игорь Мурадян. Курдская проблема на Ближнем Востоке. https://www.geopolitica.ru/

Халқаро терроризм: таҳдидлар трансформацияси ва уларга қарши курашишнинг айрим масалалари

Международный терроризм: трансформация угроз и отдельные вопросы противоборства

International Terrorism: Threats Transformation and some Issues of Military Confrontation



Ботир Алиджонович Ахмаджанов
Botir A. Akhmadjanov

ҳ.ф.ф.д. (PhD), подполковник, бўлими бошлиғи, Қуролли Кучлар Академияси, Ўзбекистон Республикаси

PhD in Military Science, Lieutenant Colonel, Head of the Branch, Academy of the Armed Forces, Republic of Uzbekistan

Мазкур мақолада халқаро терроризмнинг тенденциялари ва ривожланиш йўналишлари, пайдо бўлишига сабаблар ва унга оид таҳдидлар трансформацияси ҳамда қарши курашишнинг йўллари кўриб чиқилган.

В данной статье рассмотрены тенденции и направления развития международного терроризма, причины их возникновения, трансформация угроз, а также пути противодействия им.

The article covers the tendencies and direction of international terrorism development, cause of international terrorism, threats transformation, as well as the ways of counteraction.

Хавфсизлик тизимининг асосини шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий муҳим манфаатлари ташкил этади. Ушбу тизимнинг таркибий қисмларига нисбатан доимо турли кўринишдаги хавф-хатарлар ва таҳдидлар таъсир кўрсатади. Соҳа вакилларининг хулосаларига кўра асосий ноанъанавий таҳдидлар қаторига муҳимлилигини инобатга олган ҳолда (1-расм):

халқаро терроризмни;

этник ва диний низоларни;

ҳокимиятни ноқонуний равишда эгаллаб олишга урунишларни (рангли инқилобларни ва ҳ.к.);

шаклланмаган давлатларнинг муаммоларини;

оммавий қирғин қуролини тарқалишини;

ташкилий жиноятчиликни;

давлатлар ўртасидаги урушлар кабиларни киритиш мумкин.

Уларнинг қаторида барча давлатларнинг хавфсизлигига таҳдид солаётганларидан бири бу терроризм ҳисобланади.



1-расм. Ноанъанавий таҳдидлар

Аввалларии терроризм турли кўриниш ва шаклда алоҳида шахсларга нисбатан қаратилган бўлса, ҳозирги кунга келиб терроризм халқаро миқёсда кўтарилиб XX–XXI асрнинг "вабо"сига айланди. Бугунги кунга келиб гаровга олиш, уйларни портлатиш ва тинч аҳолини кенг миқёсда қатл этиш каби ҳодисалар ҳақида ахборотларни қабул қилиш ҳаётимизнинг кундалигига айланиб бормоқдаки, бу жуда салбий ҳолат ҳисобланади.

Ҳозирги таҳликали замонда интернет, ОАВ орқали тарқатилаётган ахборотларда мавжуд турли кўринишдаги бузғунчи ғоялар, одоб-ахлоқ масалаларга салбий таъсир этувчи манфур иллатлар ҳар бир онгли кишини ташвишга солиши аниқ. Кейинги пайтларда интернет билан боғлиқ бузғунчиликлар, глобал тармоқдан қабиҳ мақсадда фойдаланаётганлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Интернет билан боғлиқ салбий таъсирларга, ўсмирлик ва илк ўспиринлик ёшидагилар кўпроқ мойиллигини эътиборга олиш лозим. Негаки, бу ёш даврида асосий психологик жиҳатлари "Мен" сиймосини юқори даражада шаклланганлиги ва у ўз "Мен"ини тенгдошлари яқинлари орасида кўрсатишга ҳаракат қилиши билан характерланади. Агар ўсмирнинг "Мен"и қабул қилинмаган бўлса, у ўзини қабул қилинмаганлик ҳолатида деб ҳисоблайди ва ўзига ўхшаган ўсмирларни топишга интилади. Ўспиринлар ҳар жойда ўзини кўрсатиш хусусиятига эга бўлган ўсмирлик вақтидаёқ, ўзларининг шахсий хусусиятларини кузата бошлайдилар. Ўспиринликда ўз шахсий хислатларига баҳо бериш кучаяди, ўз қадр-қимматини, нималарни қилишга қодирлиги ва нималарга арзиши каби бир қанча саволлар пайдо бўлиб, у саволларга жавоб қидириши натижасида турли таъсирларга тушиш ҳолатлари кузатилади. Бунда ёш ўспирин хатти-ҳаракатига иккита усул нуқтаи назаридан баҳо бериш мумкин:

- биринчидан, ўспирин ўзи қўлга киритган ютуқлари натижаси билан баҳолайди. Масалан, ўспирин қийин вазиятда ўзини йўқотмайди ёки ёш болани ёнғиндан қутқазди – *"Мен қўрқоқ эмасман"* дейди. Маълум қийин топшириқни бажаради. *"Мен*

қобилиятлиман" – дейди. Ахлоққа оид бундай ҳатти-ҳаракатлар, ўспиринниng ўз қатъийлигини синаши ҳамдир;

- иккинчидан, ижтимоий таққослаш, яъни ўзи ҳақидаги бошқа ишларни, фикрларни солиштиришдан иборатдир.

Бунинг оқибатида, залолатга бошловчи электрон нашрлар ва ахлоқсиз видеолавҳалар кенг ёйилмоқда. Бу билан ёшларимизнинг онгини заҳарлаш ниятида интернетдан усталик билан фойдаланмоқда. Ўзларини "яқин дўст", "ота-онадан ҳам яқин", "беғараз ёрдам" ва "ҳидоятга етакловчи" ҳамда "инсонларга яхшилик қилиш" каби кўринишида таништириб, ёшларни тўғри йўлдан чалғитмоқда. Аслида, ёшларни диний ва дунёвий илмларни бериш эмас, улар тўда боши, ўзини раҳнома етакчи (норасмий лидер)нинг фикрларини ҳамда ўргатаёган қўштирноқ ичида илмлари, йўқ нарсадан ваъда қилинаётган катта бойликларига учмоқда. Бошқа томондан қараганда, улар бу хатти-ҳаракатлари билан ёшларни жар ёқасига тортаётгани ва кимнингдир ноғорасига уйнаётганини билишмайдилар. Бу эса ўз навбатида ёшларни йўлдан уриб, охир-оқибатда, жамиятга қарши ёвуз бир кучга айлантирмоқда.

Бугунги кунда интернетдан олинган ҳар қандай маълумотлар тўғри, ишончли ва зарарсиз бўлавермайди. Ҳозирги пандемия шароитида "Covid-19"ни даволашга доир тавсия этилаётган даволаш турларининг ҳаммасини ҳам самарали деб бўлмайди. Негаки, берилаётган ёки блогерлар томонидан илгари сурилаётган ва тарқатилаётган турли ахборотлар аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида турли тушунмовчиликлар, соғлом турмуш тарзидан чекиниш, касалликка беписандлик билан қараш каби салбий ҳолатларни келтириб чиқармоқда.

Бизга маълумки, кўплаб сайт ва тармоқлар катта маблағлар эвазига фильтрлаб қўйилган ва бу ҳолатни кўплаб давлатларда кузатиш мумкин. Албатта, таъқиқлар ёки фильтр воситалари орқали одамларни интернет оламидаги турли кучларнинг хатарли таҳдидларидан, кераксиз ва салбий ахборотлардан сақлаш қийин ва фақатгина вақтинчалик ҳолат бўлиши мумкин.

Бугун кунда ахборот чунонам кўп ва тез кириб келаяптики, уларни "ҳазм" қилиш учун теран тафаккур ва кенг дунёкараш талаб этилади. Айниқса, интернет олами ёшларимиз эътибори ва қизиқишини тортиб бораётган бугунги даврда айрим компьютер ўйинлари ҳақида ҳам шундай мисолларни келтириш мумкин. Мутахассислар маълумотларига кўра, интернет орқали тарқатиладиган компьютер ўйинларининг 49 фоизи сезиларли даражада зўравонлик ва ёвузлик кўринишига эга, 41 фоиз жангари (турли отишмалар ва портлашларга асосланган) ўйинларда эса ўйин қаҳрамони ўз мақсадига етишиш учун шундай зўравонлик ва ёвузлик содир этади. 17 фоиз ўйинларда ана шу зўравонлик ва ёвузликнинг ўзи бош мақсад ҳисобланади. Турли жанговар, менталитетимизга (лот. Mentalis-ақлий) мос бўлмаган, баъзан қаҳрамонлик ваҳшийликка ўтиб кетадиган бу каби ўйинлар фарзандларимиз ахлоқий-эстетик тарбиясига тўғри таъсир кўрсата олади дея олмаймиз. Бир қарашда улар оддий ўйиндек кўрингани билан зўравонлик ғоялари, ёвузлик кайфиятини уйғотиши жуда кўп салбий окибатларга олиб келгани хусусида ҳаётий мисоллар кўплаб топилади.

Психологлар томонидан ҳозирги кунда "ахборий-қўпорувчи омил" деган тушунча истеъмолга киритилган. Ҳақиқатан ҳам интернетдан тарқатилаётган қўпорувчилик руҳидаги ахборотлар баъзан ҳарбий ҳаракатларни амалга оширгандан ҳам кўпроқ самара бериши мумкин. Хусусан, мазкур ахборотларнинг шахсга таъсир қилиши мумкин бўлган жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

кишиларнинг ахлоқий-психологик ҳолатини, дунёқараши, сиёсий нуқтаи назари ва эътиқодини мақсадли равишда ўзгартиришга нисбатан қаратилган ахборий босим, ҳуруж;

нотўлиқ, атайлаб бузилган, нотўғри маълумот ва ахборотларнинг тарқатилиши;

тўғри маълумотнинг кишилар томонидан нотўғри идрок этилишини таъминлашга интилиш.

Шунингдек, ёшларнинг қалби ва онгини эгаллашга қаратилган турли хил вайронкор ғояларнинг кириб келиши айниқса, интернет тармоғи орқали кўпроқ кўзга ташланяпти. Бу жараён фарзандларимизнинг компьютер технологиялари, турли компьютер ўйинларига қизиқишининг ортиши билан ҳам боғлиқ. Уларнинг бу қизиқишларидан бузғунчи ғоя тарғиботчилари ўз мақсадлари йўлида самарали фойдаланишга ҳаракат қилмоқда. Бошқача айтганда, "ўйинбозлик" жамиятнинг маълум бир қисмига таҳдид эканлигини яхши биладиган экстремистлар ўсмирлар, ёшлар онгини шу йўл билан эгаллашга ҳаракат қилмоқда. Буни қуйидагилар билан изоҳлаш мумкин:

ўспиринннинг ўйинда ўтказаётган вақти миқдорининг ошиб бориши;

олдинги одатлар, қизиқишлар доираси торайиб, ўйин ҳақида кўпроқ ўйлаши;

ютса ҳам, ютқизса ҳам ўйиндан чиқа олмаслиги;

ўйин бошланишини орзиқиб кутиш, ўйинсиз қолганда безовта бўлиб, асабийлашиш;

тобора кўпроқ ўйнаш истаги, ўйинга тобора кўпроқ нарса тика бориш;

ўйиндан ўзини тўхтата олмай қолиши.

"Бўлди, ўйинни ташладим", – дейди, бироқ олдин бирга ўйнаган шерикларини кўрса, ўйин ҳақида гап очилса, ўйингоҳнинг ёнидан ўтаётганда қароридан тез айниб қолади;

ота-онасидан ўйинга пул олиш учун ёлғон гапириши, ўғирлик қилиши; Оила аъзоларидан, шифокорлардан ва бошқалардан ўзининг ўта ўйинпарастлигини яшириб, ёлғон гапириши кабилар ўсмирнинг ўйинпарастлигидан далолат беради".

Кўриниб турибдики, ўсмирлик даврида тарбияга жиддий ёндашмаслик, фарзанднинг хатти-ҳаракатларига нисбатан бефарқлик натижасида кўпчилик ҳолларда фарзандни қўлдан чиқариш мумкин.

Ҳозирги кунда интернет сайтларида ўспиринларга кучли таъсир этувчи ахборотларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

биринчи тоифадаги ахборотлар сирасига ёт, бузғунчи ғоялар (диний экстремизм ва террорчилик ғоялари, миллатчилик, ирқчилик, садизм кабилар)ни киритиш мумкин;

иккинчи тоифадаги ахборотлар эса Ғарб ҳаёт тарзига хос, ўзбек менталитетига зид одатлар ва кўникмаларни тарғиб этади. Бу айниқса, ғарб ёшларининг кийиниши, одатларини тарғиб қилувчи маълумотлар, клиплар, фильмларда яққол намоён бўлади;

учинчи тоифага эса порнографик ахборотларни киритиш мумкин;

тўртинчи тоифага эса ҳали текширилмаган, ўз исботига эга бўлмаган турли ҳужумкор ахборотларни киритиш мумкин.

Интернет сайтларидан тарқатилаётган бу каби ёт ғоялар ва ахборотларни ёшлар томонидан қабул килинаётганлиги ва унинг оқибатлари жаҳондаги барча мамлакатлари ҳалкини ҳам ташвишга солмокда.

Ёшларимиз онгини эгаллашга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатларга, миллий манфаатларимизга раҳна солишга, ёшларимизни онги эгаллаш орқали руҳиятига таъсир кўрсатиш уринаётган ғаразли кучларга карши доимо огоҳ туришимиз даркор. Ана шундагина бизни ҳеч ким, ҳеч нарса ўз танлаган йўлимиздан ортга қайтара олмайди ва биз кўзлаган улуғвор максадларимизга албатта етамиз.

Албатта, интернетнинг имкониятлари фақат салбий жиҳатларда акс этибгина қолмай, унинг ўзига хос ижобий томонлари ҳам мавжуд. Улар сирасига интернетнинг маълумотга дарҳол эга бўлиш, ахборот ва маълумотларнинг турфа хиллиги, шахснинг ўзини намоён қилишга ёрдам берувчи мулоқот имкониятининг мавжудлиги, таълим борасидаги имкониятларини кўрсатиш мумкин. Интернетнинг ижобий томонларини инкор этмаган ҳолда, унинг энг кам сарф-харажат билан ёшлар орасида самарали деструктив фаолият олиб бориш имконияти мавжудлигини ҳам таъкидлаш лозим. Ҳар куни турли ижтимоий тармоқлар

("Facebook", "MySpace", "Twitter", "Habbo Hotel", "Friendster", "Tagged.com", "Instagram", "WhatsApp", "GAP", "Linkedin", "Одноклассники", "Живой журнал", "В контакте", "В кругу друзей", "Менинг оламим", ва ҳакозалар)да миллиардлаб инсонлар бир-бирлари билан виртуал мулоқотга киришмоқдалар, турли сайтларга кирмоқдалар, "YouTube" сингари видеохостингларга ташриф буюрмоқдалар, ҳар хил блогерлар ўз фикрларини баён этиб, бошқаларнинг мулоҳазалари билан танишмоқдалар. Ёшларда бузғунчи, деструктив ғояларга қарши ҳали мафкуравий иммунитет тўла шаклланмаганлигини, уларнинг эшитган ёки ўқиган маълумотига жуда тез ишонишини назарда тутсак, бу анча эътибор қаратиш зарур бўлган жараёндир.

Сарҳадсиз интернет дунёсига кирган шахс вақт, умр ғанимат эканини доимо ёдда сақламоғи лозим. Зеро, бу глобал тармоқ белоён ҳудудларга эга бўлиб, унда инсон адашиб соатлаб, кунларини самарасиз ўтказиб юбориши мумкин. Бугунги шиддатли глобаллашув даврида ёшлар онгу шуурини интернет орқали кириб келаётган зарарли ғоя ва таъсирлардан самарали ва ишончли ҳимоялаш тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Бу эса ўқитувчилар, маънавият тарғиботчилари, ота-оналардан янада ҳушёр ва огоҳ бўлишни, ёш авлоднинг ғоявий-мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтиришни талаб қилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, шахс камол топиши ва баркамол шахсни тарбиялашда ғоявий омилларнинг ўрни ва роли муҳим ҳисобанади. Бола дунёга келар экан ўз дунёқарашини шакиллантиришда албатта кимгадир суянади, кимгадир тақлид қилади. Инсон ҳаётига таъсир этувчи ҳар қандай деструктив ахборотларга эришмаган инсонгина жамиятда комил инсон бўлиб етишиши мумкин.

Глобаллашув шароитида Марказий Осиё минтақасида хавфсизликни таъминлашнинг истиқболлари

Приоритетные направления обеспечения безопасности в Центральноазиатском регионе в условиях глобализации

Priority areas of security in the Central Asian region in the context of globalization



Тахир Махамматжонович Бурханов
Takhir M. Burkhanov

катта ўқитувчиси, Қуролли Кучлар Академияси, Ўзбекистон Республикаси

Senior Instructor, Academy of the Armed Forces, Republic of Uzbekistan

Мақолада глобал ва минтақавий муаммоларни ҳал қилишда халқаро ва минтақавий ҳамкорликни йўлга қўйиш, миллий ва минтақавий хавфсизлик тушунчаси, минтақа давлатлари бир вақтнинг ўзида турли хавфларга дуч келаётганлиги, бугунги кунда халқаро ва минтақавий хавфсизликка таҳдидлар тобора кучайиб бораётганлиги, давлатлар ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг ҳам ўз стратегияси мавжудлиги тўғрисидаги фикрлар баён этилган.

В данной статье отражены перспективы обеспечения безопасности в Центральной Азии, пути становление международных и региональных сотрудничество в решение глобальных и региональных проблем, понятие национальной и региональной безопасности, об усилении угрозы в международной и региональной безопасности на сегодняшний день, о имеющиеся своей стратегии Узбекистана среди государств содружества.

This article reflects on the path to the establishment of international and regional cooperation in solving global and regional problems, the concept of national and regional security, on increasing the threat to international and regional security today, on the existing Uzbekistan's strategy among the Commonwealth countries.

Глобаллашув жараёнининг тарихий генезисини тадқиқ қилган аксарият тадқиқотчилар глобаллашув ибтидоси - антик дунёдадир, бу кучли давлатлар томонидан дунёни босиб олишга бўлган илк ҳаракатларидан бошланиб, дастлаб "ҳарбий характерда бўлганлигини, аммо аста-секин, тарихнинг цивилизация йўлида одимлаши билан, иқтисодий, геосиёсий, ахлоқий, маданий, экологик, лингвинистик, коммуникациявий глобаллашув шакллари пайдо бўлган", деган хулосага келганлар. Бизнинг назаримизда, глобаллашув жараёнининг ретроспектив асосларини ҳарбий-агрессив ҳаракатлар, уларнинг эскалацияси билан боғлаш, масалага ёндошувда муайян детерминистик муносабатларни устуворлаштириш ёки мутлақлаштириш оқибатидир. Чунки инсонларнинг яшаш учун кураш инстинктлари,

иқтисодий эҳтиёжлар динамикаси, ҳаёт тарзини ўзгартиришга интилишлари ижтимоий муносабатлар географияси кенгайишига олиб келган. Бунда ҳарбий юришлар глобаллашувнинг сиёсий воситаси бўлган ва муайян манфаатларга мос келган. Шунинг учун, умуман глобаллашув жараёнида, хусусан ижтимоий-ҳарбий муносабатлар интеграциялашуви чегаралари кенгайишида, уларнинг фақат сиёсий мақсадлари эмас, балки гуманистик эҳтиёжлари ҳам асосий рол ўйнаганлигини эътироф этиш керак. Ҳарбий агрессиялар эса, ҳеч қачон гуманистик тамойилларга мос келмаган.

Шу нуқтаи-назардан қараганда, Марказий Осиё давлатларининг мустақилликка эришганидан кейинги глобал геосиёсий тарихи давомида Қирғизистон жанубида, Тожикистон ва Афғонистонда рўй берган глобал жараёнлар этносиёсий ва минтақавий муаммолар ўз долзарблигини йўқотмагани уларни жиддий таҳлил этиш ва баҳолаш зарурлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Афғонистон муаммосига ҳам алоҳида тўхталиб ўтди. Унда мамлакат раҳбари минтақа муаммоси афғон ҳукумати ва вакилларисиз ҳал бўлмаслигига урғу қилиб, низолар тинч йўл билан ҳал бўлишини айтиб ўтди. Шунингдек, президент Шавкат Мирзиёев Афғонистон муаммосини ижобий ҳал этиш мақсадида АҚШ президенти Дональд Трампни яқиндан ҳамкорлик қилишга чақирди. Давлатимиз раҳбари қардош афғон халқининг турмуш тарзини юксалтиришга доим тайёр эканини, бундан кейин ҳам иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириб боришини алоҳида таъкидлаб ўтди. Мамлакатимиз қўшни Афғонистондаги вазиятни барқарорлаштириш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда ва БМТнинг Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий тиклаш бўйича турли дастурларини амалга оширишда самарали ёрдам кўрсатиб келмоқда.

Шавкат Мирзиёев БМТ Олий органини Марказий Осиёда барқарорликни сақлаб қолиш борасида ҳамкорлик қилишга чақирди. Чунки айнан Афғонистон минтақада ҳарбий ва сиёсий хавфсизликни ўзгартираётган асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Афғонистон ҳудудида ҳалигача халқаро террорчи гуруҳларнинг "қолдиқ"лари яширин ҳаракатларини олиб боряпти. Бундан ташқари, Марказий Осиё давлатлари наркосавдонинг "ажралмас" транзит йўлига айланмоқда. Бу келгусида (ҳозирги кунда ҳам кўзга ташланмоқда) минтақа давлатларининг миллий хавфсизлиги нуқтаи назаридан ўта хавфли вазият, яъни минтақа давлатлари ҳудудининг наркотик моддалари транзит йўлигина эмас, балки унинг истеъмолчиларига айланиб қолиши хавфини туғдиради. Афғонистонда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида БМТ, ШҲТ ва бошқа халқаро ташкилотларнинг фаолиятларини алоҳида таъкидлаш жоиздир. Бу борада Ўзбекистоннинг ҳам салмоқли ҳиссаси бордир. Хусусан, БМТ шафелигида Афғонистон муаммосини ҳал этиш юзасидан "6+2" мулоқот гуруҳига аъзо давлатларнинг 1999 йил июлда "Афғонисондаги зиддиятни бартараф этишнинг асосий принциплари тўғрисида"ги Тошкент декларацияси қабул қилинди. БМТ Хавфсизлик Кенгаши Тошкент учрашуви якунларини афғон муаммосини сиёсий йўл билан ҳал этиш йўлидаги муҳим қадам сифатида эътироф этди ва ушбу декларация асосида тегишли қарор қабул қилинди.

Марказий Осиё давлатлари хавфсизлигига яна бир жиддий таҳдид минтақа давлатлари конституцион тузумини ағдаришни мақсад қилган диний-экстремистик гуруҳларнинг мавжудлигидан келиб чиқади. Шунинг учун, бу таҳдидга қарши ҳам миллий, ҳам минтақавий, ҳам халқаро усул ва воситаларни ишга солган ҳолда биргаликда курашиш зарур. Юқоридаги муаммоларни у ёки бу даражада ҳал қилишни мақсад қилган бир нечта тузилмалар вужудга келди ва улар фаолият олиб бормоқда (ШҲТ, ОДКБ). Марказий Осиёда мавжуд минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги тузилмалари, ўз моҳиятига кўра, ҳали жуда катта ўзгаришларга учрайди. Чунки бу тизимлар тугал эмас. Шунинг учун ҳам бу тизимларни Марказий Осиё учун энг қулай танлов деган хулосага келиш ўта нотўғри қарашдир. Қачонки минтақа давлатларининг барчаси минтақада мавжуд муаммоларни ҳал қилса ва бирлашса, Марказий Осиё учун хавфсизлик тизими самарали ва яшовчан бўлади. Акс ҳолда, охирги

пайтларда ўта долзарб тус олаётган муаммо – трансчегаравий сув заҳираларидан фойдаланиш масаласининг ҳал қилиниши ёки ҳал қилинмаслиги минтақа давлатларининг бирлашуви тўғрисидаги қарашларни синовдан ўтказади. Хуллас, шу каби бошқа бир қатор долзарб глобал ва минтақавий муаммоларни ҳал қилиш йўлини бирлашган ҳолда, кўптомонлама халқаро ва минтақавий ҳамкорликни қайта йўлга қўйиш орқали топиш ва ҳал қилиш мумкин.

Хавфсизлик, бизга маълумки, таҳдид-стратегия-хавфсизлик формуласи бўйича кўриб чиқилади. "Ҳар қандай миллий хавфсизлик тизимини яратиш ва мустаҳкамлаш у ёки бу таҳдидни ва потенциал душманни қандай қабул қилишга асосланиб қурилади. Душман эса кўпгина ҳолатларда бир ёки бир нечта қўшни давлатлар ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, бир томоннинг ҳатто мудофаа мақсадида ҳарбий потенциалини кучайтириши, умуман, хавфсизлик тизимини ривожлантириши бир вақтнинг ўзида қўшни давлат томонидан унинг хавфсизлигига таҳдид деб қабул қилинади. Ўз навбатида, бу қўшни давлат ўз хавфсизлик тизимини мустаҳкамлашга ва ҳарбий потенциалини ўстиришга ҳаракат қилади. Натижада биз ҳатто ўзаро душман ҳисобланмаган қўшни давлатларнинг рақобатига дуч келишимиз мумкин. Бу ҳолатда "хавфсизлик дилеммаси" вужудга келади: А нинг ўз ҳарбий қудратини ошириши В нинг жавоб ҳаракатларига олиб келади, бу эса А нинг ўз қудратини энди В нинг ҳаракатларига жавобан ўстиришни давом эттиришини билдиради. Бундан кўриниб турибдики, хавфсизлик дилеммаси давлатларнинг ўзаро ишончсизлигига, қуролланиш пойгасига ва турли, шу қаторда, юқори даражали рискка эга ҳарбий стратегик ва геосиёсий комбинацияларга олиб келиши мумкин. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидланидек: "Барчангизга аён, ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда. Диний экстремизм, терроризм, гиёҳвандлик, одам савдоси, ноқонуний миграция, "оммавий маданият" каби хавф-хатарлар кучайиб, одамзот асрлар давомида амал қилиб келган эътиқодлар, оилавий қадриятларга путур етказмоқда. Мана шундай ва бошқа кўплаб таҳдидлар инсоният ҳаётида жиддий муаммоларни келтириб чиқараётгани - айни ҳақиқат ва буни ҳеч ким инкор этолмайди".

Миллий хавфсизлик минтақавий хавфсизликнинг бир қисми, айтиш мумкинки, ажралмас қисми ҳисобланади. Чунки мутлақ миллий хавфсизликни таъминлаш мумкин эмас. Буни хавфсизлик дилеммаси ҳам тасдиқлаб турибди. Нисбатан барқарор ва мустаҳкам миллий хавфсизлик тизимини қўшни давлатлар, айниқса, ўзига хос ва умумий таҳдидларга эга минтақа давлатлари билан биргаликда яратиш мумкин. Миллий ва минтақавий хавфсизлик тушунчасини Марказий Осиё шароитида бир-биридан ажратиб бўлмайди. Миллий даражада минтақа давлатлари дуч келаётган хавфларга бир вақтнинг ўзида минтақа давлатларининг барчаси дуч келмоқда. Кўпинча Марказий Осиё доимий ташқи геосиёсий босимдан азият чекаётгани ва улар хавфсизлик ишлаб чиқарувчилари эмас, балки хавфсизлик истеъмолчилари эканлигидан келиб чиқиб гапирилади. Ушбу узоқ муддатли парадигма шуни назарда тутадики, агарда минтақа давлатлари хавфсизлик соҳасида ўзини-ўзи таъминлай олиш даражасида етарли эмас экан, улар ташқаридан хавфсизлик ёрдамига муҳтож бўлади. Натижада, минтақада Ф.Толипов айтганидек, "хавфсизлик хизматлари бозори" вужудга келди, тарихий ва ҳозирги геосиёсий вазиятдан келиб чиқиб, турли "хавфсизлик соябонлари" таклиф этилмоқда. Бу минтақанинг геосиёсий "ўйинлар" марказига айланишига сабаб бўлмоқда.

Марказий Осиёда минтақавий ҳамкорликнинг янада ривожланиши минтақа давлатларининг қўйида келтириладиган кўпгина таҳдидларга қарши тура олишига боғлиқ. Биринчидан, Афғонистон минтақада ҳарбий ва сиёсий хавфсизликни ўзгартираётган асосий омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Афғонистон ҳудудида ҳалигача халқаро террорчи гуруҳларнинг "қолдиқ"лари яширин ҳаракатларини олиб боряпти. Бундан ташқари, Марказий Осиё давлатлари наркосавдонинг "ажралмас" транзит йўлига айланмоқда. Бу келгусида

(ҳозирги кунда ҳам кўзга ташланмоқда) минтақа давлатларининг миллий хавфсизлиги нуқтаи назаридан ўта хавфли вазият, яъни минтақа давлатлари ҳудудининг наркотик моддалари транзит йўлигина эмас, балки унинг истеъмолчиларига айланиб қолиши хавфини туғдиради. Иккинчидан, Марказий Осиё давлатлари хавфсизлигига яна бир жиддий таҳдид минтақа давлатлари конституцион тузумини ағдаришни мақсад қилган диний-экстремистик гуруҳларнинг мавжудлигидан келиб чиқади. Учинчидан, Марказий Осиё йирик давлатларнинг геосиёсий курашлари натижасида беқарор ва нотинч минтақага айланиб қолиши хавфини бартараф этиш. Тўртинчидан, минтақа давлатлари орасида делимация масалаларининг ҳалигача ҳал қилинмаганлигидан келиб чиқувчи муаммолар.

Бугунги кунда халқаро ва минтақавий хавфсизликка таҳдидлар тобора кучайиб бораётганини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистонда янги Мудофаа доктринаси қабул қилинди. Қуролли Кучлар таркибидаги барча қўшин турларининг тузилма ва вазифалари қайта кўриб чиқилди. Армия ва халқ бирлигини таъминлаш мақсадида, барча ҳудудларда ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилганлиги ҳам бежиз эмас.

Юқоридаги муаммоларни у ёки бу даражада ҳал қилишни мақсад қилган бир нечта тузилмалар вужудга келди ва улар фаолият олиб бормоқда (ШҲТ, ОДКБ). Марказий Осиёда мавжуд минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги тузилмалари, ўз моҳиятига кўра, ҳали жуда катта ўзгаришларга учрайди. Чунки бу тизимлар тугал эмас. Шунинг учун ҳам бу тизимларни Марказий Осиё учун энг қулай танлов деган хулосага келиш ўта нотўғри қарашдир.

Хулоса қилиб айтганда, қачонки Марказий Осиё давлатларининг барчаси минтақавий хавфсизликни таъминлаш борасидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилса ва бирлашса, Марказий Осиё учун хавфсизлик тизими самарали ва яшовчан бўлади. Акс ҳолда, охирги пайтларда ўта долзарб тус олаётган муаммо – трансчегаравий сув заҳираларидан фойдаланиш масаласининг ҳал қилиниши ёки ҳал қилинмаслиги минтақа давлатларининг бирлашуви тўғрисидаги қарашларни синовдан ўтказади.

Бу маънода, минтақа давлатларининг ўзаро интеграциялашуви тўғрисидаги қарашлар ёки З.Бжезинский томонидан башорат қилинган "болқонлашув" амалга ошиши эҳтимоллиги ортади. То ҳозирги кунгача, минтақа давлатлари ўртасида кўптомонлама ҳамкорликнинг йўқлиги кейинчалик минтақада умумий хавфсизлик тизимини яратишга бўлган ҳар қандай ҳаракатни ҳам йўққа чиқаради. Шу каби бошқа бир қатор долзарб муаммоларни ҳал қилиш йўлини бирлашган ҳолда, кўптомонлама минтақавий ҳамкорликни қайта йўлга қўйиш орқали топиш ва ҳал қилиш мумкин.

Мамлакатимиз Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2020 йил 23 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг

75-сессиясидаги нутқида таъкидлаганидек: "Ҳозирги таҳликали ва мураккаб вазият ер юзидаги барча давлатлар ва халқлар ўзаро боғлиқ эканини, ўртамизда мунтазам мулоқот, ишонч ва яқин ҳамкорлик ўта муҳимлигини исботлади".

Бу чақириқдан келиб чиқиб, биз хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидаги умумий хатарларга қарши янгича ёндашувлар асосида ва яқин ҳамкорликда ишлашимиз, ҳаракатларимизни доимий равишда мувофиқлаштиришимиз зарур.

Замонавий фуқаролик жамияти ва унинг механизмлари

Современное гражданское общество и его механизмы

Modern civil society and its mechanisms



Собиржон Камолович Рахмонов
Sobirjon K. Rakhmonov

подполковник, кафедра докторанти, Қуролли Кучлар Академияси, Ўзбекистон Республикаси

Lieutenant Colonel, Doctoral Candidate, Academy of the Armed Forces, Republic of Uzbekistan

Маълумки, хар қандай фуқаролик жамиятининг ривожи унинг шу давлатда юритилаётган сиёсатига чамбарчас боғлиқ. Фуқаролик жамиятининг ахволи унинг фуқароларининг сиёсий ҳаётдаги фаоллиги билан баҳоланади. Мақолада, Ўзбекистонда фуқаролик жамиятининг аҳволи ва сиёсий негизда унинг келажакдаги ривожи ҳақида баён этилади.

Как известно, развитие гражданского общества в любой стране напрямую зависит от его политического строя. Состояние гражданского общества оценивается активностью граждан в политической жизни страны. В статье приводятся сведения о состоянии гражданского общество в Узбекистане и её дальнейшее развитие в политической сфере.

As you know, the development of civil society in any country directly depends on its political system. The state of civil society is assessed by the activity of citizens in the political life of the country. The article provides information about the state of civil society in Uzbekistan and its further development in the political sphere.

Сиёсий модернизациялаш шароитида фуқароларнинг фаоллиги, давлат ва жамият ишларида иштирокини кенгайтиришга ҳаракат қилинади. Фуқаролар фаоллиги институционал тарзда давлат ва жамият ишларининг фуқаролик жамиятига тегишли қисмини ўз зиммаларига оладилар. Буни айнан фуқаролик жамияти институтлари фаолияти мисолида кўриш мумкин. Фаол фуқароларни ўзида қамраган институтлар давлатга кўмакчи сифатида майдонга келади. Жамият модернизациялашни мақсад қилар экан фуқароларнинг манфаатларини таъминлаш имкониятини яратиши зарур. Айнан фуқаролик жамияти институтлари орқали фуқаролар ўз манфаатларини рўёбга чиқарадилар. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эҳтиёжларини давлат таъминламас экан улар институционал фаоллик шаклларида ўз мурожаатларини давлатга етказадилар. Агар фуқаровий фаолликнинг институционал шакллари иш бермаса ноинституционал шакллари ва кўринишларидан фойдаланишади.

Фуқаролар ўз сиёсий ҳуқуқ ва эркинликларини талаб қилиши ва амалга ошириши соҳасида ташкилий ва ташаббускорлик каби омилларнинг ўзаро мувофиқлиги характерига қараб, фуқаровий фаолликнинг институционал ва ноинституционал шаклларини ажратиш мумкин.

Фуқаровий фаолликнинг институционал шакллари: сиёсий жараёнларнинг субъектлари ҳисобланган сиёсий партиялар, нодавлат ташкилотлар, касаба уюшмалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ресурсларидан фойдаланилади.

Фуқаровий фаолликнинг ноинституционал шакллари: бунда аниқ расмий кўринишлар ва шакллар кузатилмайди. Аммо замонавий шарт-шароитларда айнан фуқаровий фаолликнинг ноинституционал шакллари сиёсий фаолликнинг катта қисмини намоён этмоқда. Ахборот-коммуникацион фуқаровий фаоллик ҳукумат ва давлат хизматчилари билан онлайн мулоқотни мисол қилиб келтириш мумкин. Интернетдаги ижтимоий тармоқларда, форумларда сиёсий характердаги масалалар муҳокамасида, хабарномалар тарқатиш орқали ўз тарафдорларини бирлашишга чақириш кабиларни мисол қилиш мумкин.

Нодавлат нотижорат ташкилотлар индивидларнинг ихтиёрий бирлашмаларидир. Улар сиёсий партиялардан фарқ қилиб, ҳокимиятни эгаллаш, лавозимларга номзодлар кўрсатиш билан шуғулланмайдилар. Лекин улар ҳукумат ва бошқа сиёсий ташкилотларга таъсир қилиш учун ҳаракат қиладилар. Бу соҳадаги фаолият сиёсий ташкилотлар воситасисиз бўлиши лозим. Манфаатлар гуруҳларининг ҳаракат усуллари сиёсий органларни ишонтириш, маслаҳат бериш, жамоатчилик фикрини шакллантириш, сиёсий арбобларга ижтимоий гуруҳларнинг эҳтиёжларини етказиш, ўз манфаатларини қондириш учун ташкилий тадбирлар ўтказиш билан чегараланади.

Фуқаровий фаоллик индивидуал ва корпоратив шаклларда намоён бўлиши мумкин. Бунда иштирокчи ўзини индивидуал ёки жамоада эркин ҳис этиши, ўз қобилияти, маҳорати, шахсий сифатларини намоён қила олиши, унга юклатилган масъулиятни тўлақонли бажара олиши талаб этилади.

Нодавлат сектордаги фуқаровий фаолликнинг барча шакллари мамлакатда ижтимоий капиталнинг ортишига олиб келади. У давлат ва жамиятнинг ҳамоҳанг ривожланишини таъминлайди. Фуқаровий фаоллик билан шуғулланадиган ёшлар бир вақтнинг ўзида ижтимоий капиталнинг турли шаклларни ҳам ривожлантиради.

Мамлакатда фуқаровий фаолликни оширишда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни муҳим бўлмоқда. Конституциямизда давлатнинг жамоат бирлашмалари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлаши, уларга ижтимоий ҳаётда иштирок этиш учун тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб бериши мустаҳкамланган. Ушбу принципга мувофиқ қабул қилинган 250 дан ортиқ қонун ҳужжатлари Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Фуқаровий фаоллик бугунги кунда давлат учун муҳим кўмакчига айланмоқда. Турли ижтимоий лойиҳаларга бирлашган фуқаролар рўй бераётган, туғилаётган ва мавжуд муаммоларни муҳокама қилиш, уларнинг ечимини топиш ва ҳукуматга таклиф этиш имкониятига эга бўлмоқда. Маълумки бозор муносабатлари шароитида ранг-баранг ижтимоий муаммолар юзага келаверади, аммо уларнинг ечимини ҳукумат ҳамиша ҳам ўз вақтида ҳал этавермайди. Бошқача айтганда, бундай муаммоларни ҳукумат ўз вақтида пайқаш имкониятига эга эмас. Бундай шароитда фуқаролик жамияти институтлари ёрдамга келади.

Бугунги кунда ўн мингга яқин нодавлат нотижорат ташкилотларида минглаб кўнгиллилар фаолият олиб боришмоқда. Улар журналистика ва оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш, дўстлик ҳамжамиятлари, экология, миллий-маданий марказлар, халқ ҳунармандчилигини ривожлантириш, таълим ва илмий-тадқиқот марказлари, соғлиқни сақлаш, аёлларнинг фаоллигини ошириш, фавқулодда вазиятларда ёрдам кўрсатиш, фахрийлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, маданий-тарихий ва маърифий соҳани ривожлантириш, касаба уюшмалари, ногиронлар ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш авлодни тарбиялаш йўналишларида фаолият олиб бораётган турли нодавлат тузилмаларида бозор муносабатлари шароитида кутилмаганда рўй берадиган,

бозорни тартибга солиш жараёнларида юзага келадиган муаммоларни бартараф этишда ҳукуматга кўмакчилик қилмоқдалар .

Замонавий фуқаролик жамиятида ижтимоий ҳаракатларнинг юзага келиши ноконституциявий сиёсий ҳаракат бўлса-да, табиий ҳол сифатида қаралади. Ижтимоий ҳаракатлар ҳар доим ҳам, демократик руҳда бирлашмайди ва улар қайсидир сиёсий каналлар таъсири остида ҳам ҳаракат қилишлари мумкинлиги ҳақида тўхталиб ўтади.

Институтлашган кўринишга эга бўлган ижтимоий ҳаракатларда қонуний ҳуқуқ ва фуқаровий итоатсизлик бир-бирига қарама-қарши тушунча сифатида кўриниши мумкин. Аммо, бу фуқаролик жамияти тамойилларига зид деган тушунча эмас. Фуқаровий итоатсизликбу принципга асосланган жамоавий ҳаракат, яъни фуқароларнинг ҳуқуқ ва демократия принципларидан фойдаланган ҳолда сиёсий тизимнинг легитимлигини таъминлашга қаратилган сиёсий жараёнларга иштирок этишидир.

Фуқаролик жамияти дейилганда демократик легитимлик ва ҳақ-ҳуқуқнинг бир-бирига мос келиш ҳолати тушунилади. Фуқаролик жамияти замонавий демократлаштириш йўлида институционал ислоҳотлар ўтказиш лозим ва айнан мана шу жараёнларни амалга ошириш чоғида маълум бир ижтимоий ҳаракатларнинг вужудга келиши табиий ҳол. Айнан шундай ҳолатларда маълум мақсад йўлида фуқароларнинг бир гуруҳга бирикиши ёки индивидуал ҳолда ўз қарашларини ҳимоя қилиши фуқаролик жамиятига хос бўлган хусусият ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида ҳам фуқароларнинг маълум бир муаммога доир ўз қарашлари, фикр ва эътирозларини билдириш мақсадида митинглар ва оммавий намойишлар ўтказиши қонун ҳужжатларида акс этган. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси VIII боб 33-моддасида: "Фуқаролар ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эгадирлар. Ҳокимият органлари фақат хавфсизлик нуқтаи назаридангина бундай тадбирлар ўтказилишини тўхтатиш ёки тақиқлаш ҳуқуқига эга" , дейилган.

Сўнгги йилларда фуқаровий фаолликнинг ноинституционал шакллари ривожланганини кузатиш мумкин. Бунга сабаб фуқароларнинг бу борадаги маълумотлардан хабардорлик даражасининг пастлиги, фуқаролик жамияти институтлари ва ҳокимият ўртасида ҳамкорлик механизмларининг ўзаро самарали иш олиб бормаётганидадир.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий шарт-шароитларда айнан фуқаровий фаолликнинг ноинституционал шакллари сиёсий фаолликнинг катта қисмини намоён этмоқда ва фаоллаштирмоқда: фуқаролар унинг аноним, ахборот-коммуникациявий ва кутилмаган фуқаровий фаоллик каби турларида ўз фаоллигини намоён этмоқда. Бу ўз навбатига фуқароларнинг сиёсий фаоллигига туртки бўлмоқда.

Роль патриотизма в обеспечении пограничной безопасности Республики Узбекистан

The Role of Patriotism in Ensuring the Border Security of the Republic of Uzbekistan

Ўзбекистон республикасининг чегара хавфсизлигини таминлашда ватанпарварликнинг роли



Чатаев Георгий Джанатович
George Dj. Chataev

полковник, докторант кафедры, Академия Вооруженных Сил, Республика Узбекистан

Colonel, Doctoral Candidate, Academy of the Armed Forces, Republic of Uzbekistan

В статье рассматривается роль патриотизма местного населения приграничных районов в обеспечении пограничной безопасности государства, проблематика в работе с местным населением и проделанная работа в этом направлении в Республике Узбекистан. Показан анализ нормативно-правовой базы в обеспечении охраны и защиты Государственной границы в Республике Узбекистан. Предлагаются пути решения проблемных вопросов в привлечении местного населения к охране Государственной границы

Ушбу мақолада давлатнинг чегара хавфсизлигини таминлашда чегара олди районлари маҳаллий аҳолисининг ватанпарварлик роли, Ўзбекистон Республикасида ушбу йуналишда маҳаллий аҳоли билан ишлаш муаммолари ва қилинган ишлар кўриб чиқилган. Ўзбекистон Республикасида Давлат чегарасини қўриқлашда ва ҳимоя қилишни таъминлашда меъёрий-ҳуқуқий базаси таҳлили кўрсатилган. Шунингдек, Давлат чегарасини қўриқлашга маҳаллий аҳолини жалб қилишдаги муаммоли саволларни ҳал қилиш йўллари таклифи келтирилган.

This article considers the role of patriotism among the local population of the border areas in providing state border security. The article also focuses on the problems in the collaboration with local people and the results of the work that has been done in this direction in the Republic of Uzbekistan. Besides the article includes the normative – legal base for the state border protection and guarding, as well as ways of solving existing problems in this sphere.

В настоящее время переоценить роль и развитие патриотизма у местного населения приграничных районов в решении задач пограничной безопасности вряд ли представится возможным.

Одним из элементов Единой системы и защиты охраны Государственной границы (далее – ГГ) являются граждане Республики Узбекистан,

от патриотических чувств и идеологической устойчивости которых во многом зависит благосостояние Республики Узбекистан. После обретения Государственной независимости Республики Узбекистан 12 областей из 12 стали приграничными, соответственно статус этих областей стал пограничным. Население же приграничных районов впервые столкнулось с ГГ и правилами поведения в приграничной территории.

Согласно официальным данным Государственного комитета статистики, в среднем в каждой области проживает более 1,5 млн. человек. В отдельных областях более 2 млн. человек, из них только в приграничных районах проживает более 30 % населения, это составляет порядка от 700 тыс. до 1 млн. человек. Социально активное население приграничных районов Узбекистана составляет порядка 10 млн. человек, что даёт возможность увеличить плотность охраны границы по фронту и в глубину, тем самым повысить надёжность охраны ГГ.

На современном этапе развития множество факторов осуществляют своё негативное влияние на формирование патриотизма и здорового иммунитета у населения приграничья, основные из них это социальные, экономические и политические факторы. Низкая занятость и большая плотность населения приграничья, в результате многие молодые граждане Республики Узбекистан приграничных районов вынуждены уезжать на заработки в страны ближнего и дальнего зарубежья, либо попадая под влияние криминала занимаются противоправной деятельностью на ГГ.

В свою очередь, многие из них сами того не подозревая попадают под негативное влияние чуждой идеологии, что приводит к переосмыслению приоритетов, попиранию национальных интересов и традиций, чувства Родины.

Изменение вектора вызовов и угроз национальной безопасности Республики Узбекистан, складывающаяся военно-политическая и геополитическая обстановка в сопредельных государствах, а также сохранение активности представителей криминального мира, в том числе и при осуществлении противоправной деятельности трансграничного характера, свидетельствуют о необходимости повышения патриотизма у местного населения приграничных населенных пунктов в решении задач по охране ГГ Республики Узбекистан.

В данном контексте большая работа проделана в Республике Узбекистан, разработана и утверждена стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы, в соответствии с которой совершенствуется нормативно-правовая база, предоставлен широкий спектр возможностей для граждан само реализовываться, заниматься предпринимательством, сельским хозяйством и др.

Основным Законом Республики Узбекистан является Конституция Республики Узбекистан, принятая 8 декабря 1992 года на 11 сессии Верховного Совета Республики Узбекистан 12 созыва. Конституция Республики Узбекистан предоставляет каждому гражданину Республики Узбекистан незыблемые права и свободы. В соответствии с этим привлечение граждан Республики Узбекистан должно осуществляться с соблюдением его прав и свобод. В статье 32 Конституции гражданам Республики Узбекистан дано право участвовать в управлении делами общества и государства, из этого следует, что граждане в праве и могут быть членами отрядов содействия Пограничным войскам (далее – ПВ).

В статье 52 Конституции определен долг каждого гражданина Республики Узбекистан – в защите Республики Узбекистан. Из этого следует, что использование граждан Республики Узбекистан в защите и охране ГГ ПВ является правомерным.

В соответствии с постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 10 февраля 1999 года № 63-12 утверждена «Концепция защиты и охраны Государственной границы Республики Узбекистан» в которой, «...Участие в защите и охране Государственной границы является священным долгом каждого гражданина Республики Узбекистан.

Органы местного самоуправления, предприятия, независимо от форм собственности, учреждения, общественные организации, объединения и их должностные лица:

оказывают содействие в защите и охране ГГ Республики Узбекистан, исполняют предписания полномочных органов, предоставляют необходимую для их деятельности информацию;

создают условия для участия граждан на добровольных началах в защите и охране ГГ в пределах приграничной территории.

Так, порядок участия граждан Республики Узбекистан в защите и охране границы определен положениями Закона Республики Узбекистан «О Государственной границе Республики Узбекистан», согласно которому «граждане участвуют на добровольных началах в защите и охране Государственной границы в пределах приграничной территории в составе отрядов содействия ПВ и в иных формах».

Порядок привлечения граждан Республики Узбекистан в составе отрядов содействия на участках подразделений ПВ определен Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан № 273 от 30 сентября 2014 года. Согласно данному документу, отряды содействия формируются для оказания практической помощи ПВ в обеспечении надёжной охраны ГГ. Отряды содействия свою деятельность по обеспечению охраны ГГ Республики Узбекистан осуществляют на добровольных началах, на основе принципов законности, социальной справедливости, гуманизма и патриотизма.

В недалеком прошлом (начало XX в.) большинство методов для привлечения местного населения к охране границы носили информационно-пропагандистский характер. По сути, вся литература была призвана решать одну задачу – воспитывать личный состав и вести пропаганду среди населения, опираясь на опыт и традиции предшествующих поколений советских пограничников. Был сформулирован лозунг «Границу охраняет весь народ», который не утратил актуальности и по сей день.

Основным институтом, обеспечивающим организацию и функционирование всей системы патриотического воспитания, является государство.

О вышесказанном подчеркнул и Президент Республики Узбекистан Ш.М. Мирзиёев в своей поздравительной речи от 14 января 2017 года:

«Как всем известно, патриотизм является нравственной основой жизнеспособности любого государства и выступает в качестве важного мобилизующего ресурса всестороннего развития общества. Именно поэтому мы должны предпринять конкретные шаги по формированию у граждан стойкого иммунитета против негативного воздействия чуждых нам идей и укреплению чувства ответственности за судьбу Отечества. Надёжной опорой в этой не простой работе могут стать прошедшие армейскую школу мужества, стойкости и верного служения Родине молодые люди».

Важная роль по укреплению взаимодействия и обеспечения единства армии и народа отводится военно-административным секторам, созданным в соответствии с решением Президента Республики Узбекистан во всех областях, Республике Каракалпакстан, городе Ташкенте. Здесь необходимо отметить, что одним из направлений деятельности данных секторов является проведение работы по военно-патриотическому и духовно-нравственному воспитанию и обучению молодежи, защите подрастающего поколения от деструктивных и чуждых для нашего народа идей. Данная работа осуществляется, в том числе, и в приграничных населенных пунктах.

Для решения указанных задач в ПВ Республики Узбекистан налажена определенная система, в частности, в населенных пунктах, расположенных вблизи ГГ, функционируют клубы «Ёш чегарачи» (официальный перевод – «Юный пограничник») из числа учеников образовательных школ. Основными задачами клубов является воспитание детей приграничья Республики Узбекистан в духе патриотизма и бдительности. Ежегодно в несколько этапов

проводятся соревнования между клубами, финальный этап соревнований организовывается в городе Ташкенте, и победители награждаются руководством ПВ. Что в свою очередь стимулирует молодёжь быть патриотом своей Родины, побуждает желание честно, не щадя собственной жизни служить Отечеству во благо узбекского народа.

Кроме того, ежемесячно проводятся собрания, направленные на повышение патриотизма и бдительности у местных жителей приграничных населенных пунктов, обсуждаются существующие проблемы, связанные с соблюдением режима границы, пограничного режима, разъясняются требования нормативных документов в области охраны ГГ.

Возрастающая роль местных органов власти в приграничных территориях, продуктивная практическая деятельность военно-административных секторов, содействуют дальнейшему совершенствованию налаженной системы взаимодействия между субъектами Единой системы защиты и охраны ГГ, а также это благоприятно сказывается на обеспечении пограничной безопасности Республики Узбекистан.

В заключении, хотелось бы отметить, что роль местного населения в обеспечении надёжной защиты и охраны ГГ неоценима, и организация мероприятий по повышению уровня патриотизма и правовой грамотности граждан приграничных населенных пунктов в вопросах обеспечения режима ГГ в основном возлагается на руководителей пограничных подразделений и местные органы власти.

Вместе с этим, принятые нормативно-правовые документы упорядочили порядок привлечения граждан Республики Узбекистан в обеспечении защиты и охраны границы, создали систему взаимодействия при выполнении служебно-боевых задач по защите и охране ГГ Республики Узбекистан.

Однако, невзирая на приложенные усилия, состояние работы и результативность деятельности общественных формирований по охране ГГ ещё не в полной мере подчинены интересам охраны границы. Наряду с экономическими причинами, основными проблемами организации деятельности общественных формирований по охране границы, является несовершенство механизма стимулирования за высокие показатели в охране границы, принижение отдельными руководителями роли местного населения в деле противодействия противоправной деятельности на ГГ Республики Узбекистан.

На современном этапе граница должна стать цивилизованной, соответствовать высокому уровню, на который выходит сегодня Узбекистан в мировое сообщество, это не означает, что граница станет прозрачной, все её обязательные атрибуты полностью сохранятся, и она станет препятствием для нарушителей границы и будет открытой для законопослушных граждан, инвесторов, туристов из других стран, посещающих Узбекистан с благими намерениями. Местное население, проживающее в приграничных районах, в этих условиях должно чувствовать себя комфортно и безопасно, поэтому задача государства в лице ПВ найти сочетание сбалансированных мер по обеспечению безопасности и комфорта в пограничном пространстве.

В связи с вышеизложенным, можно сделать следующие выводы:

1. В современных условиях нет задачи важнее, чем задача формирования устойчивого патриотизма и здорового иммунитета к чуждым идеологиям у молодого поколения граждан Республики Узбекистан, в том числе путем проведения активной пропагандистской работы.

2. В настоящее время, охрану ГГ необходимо строить с учетом особенностей функций, организационных форм, направленности и характера местного населения, их реальных и потенциальных возможностей.

3. На законодательном уровне необходимо внести изменения в существующую нормативно-правовую базу, регламентирующую привлечение местных жителей приграничных районов к охране ГГ, определить статус членов отрядов содействия ПВ,

предусмотреть стимулирование за высокие показатели в охране границы, выдачу земельных участков в пограничной зоне, пограничной полосе.

4. Необходимо выработать комплекс практических рекомендаций по интеграции разработанной модели в систему обеспечения пограничной безопасности Республики Узбекистан.

Contacts

Contact information	
Address:	100023, Tashkent, Mirzo Ulugbek district, Parkent-2 Str., Academy of the Armed Forces of the Republic of Uzbekistan
Telephone:	(+998 71) 268-59-82
Fax:	(+998 71) 268-02-70
E-mail:	iarcafauzb@gmail.com akaduz@umail.uz akaduz@yandex.ru

Контактная информация	
Адрес:	100023, г. Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул. Паркент-2, Академия Вооруженных Сил Республики Узбекистан
Контактный телефон:	(+998 71) 268-59-82
Факс:	(+998 71) 268-02-70
Электронная почта:	iarcafauzb@gmail.com akaduz@umail.uz akaduz@yandex.ru

Kontakt ma'lumoti	
Adres:	100023, Toshkent sh., Mirzo Ulug'bek tumani, Parkent-2 ko'chasi, O'zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlari Akademiyasi
Telefon raqami:	(+998 71) 268-59-82
Faks:	(+998 71) 268-02-70
Elektron pochtasi:	iarcafauzb@gmail.com akaduz@umail.uz akaduz@yandex.ru

А5 Формат. Гарнитура Тайме. Чоп этишга рухсат 2021 й. 01. 15 этилди.
Адади 5 нусха. Буюртма № 4. Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани,
Паркент 2 кўчаси 100023. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари
Академияси босмахонасида чоп этилди.